

**Кашқадарё вилоят кенгаши депутатлигига номзод — Қарши шаҳар тadbиркор аёллар уюшмаси бошлиғи, либерал-демократик партияси аъзоси, “Зиёдабегим” ўқув маркази раҳбари Зиёдахон Саидова:**

- Асли касбим ўқитувчилик. Аммо бозор иқтисодиёти шароитида мен ҳам қўл қовуштириб ўтирмадим. Болалар кийими, мактаб формалари, халатлар, турли русумдаги аёллар либосларини тикишни, ёстиқча ва кўрпа-тўшакларга нақш солишни йўлга қўйдим. Фарзандларим, турмуш ўртғим ҳам ёрдам беришди. Махсулотимизга талаб кўпайди, вилоятнинг барча туманларидан буюртмалар тушди. Гоҳо икки мингтаб мактаб формаси тиккан пайтарларимиз ҳам бўлди. Мен эса яна янги йўналишлар излай бошладим. Ахир тadbиркор бир жойда қотиб қолдими, унинг келажаги бўлмайдими-да.

...Санкт-Петербургда борганда, роса китоб магазинлари бўйлаб “изғидим”, Эрмитаждаги қадимий пардалар жилоси мени мафтун этди. Турли фасондаги пардалар каталогларини сотиб олдим. Ўша ёрнинг ўзида парда тикиш уйларига бориб, уста-чеварлардан иш ўргандим...

Юртга қайтгач, ховлида қизларим Зулфияхон ва Зебохонлар билан парда тикишга киришдик. Шаҳар марказидаги 3 хонали квар-



## АЁЛ

тирамизни таъмирлаб, тикувчилик ишларини амалга оширишга мослаштирдик. Яна чевар қизларни жалб этдик. Иккита тикув машинасини 10 тага кўпайтирдик. Шаҳар телевидениясида ишимизни, махсулотимизни реклама қилдик. Шу жараёнда рекламанинг таъсири беқисслигини жуда ҳис этдим. Мижозларимиз кўпайди. Тиккан пардаларимизни кўрганлар манзилимизни суриштириб кела бошлашди. Чеварларимиз сафи кенгайди. Дид билан тиккилган пардалар уйни безайди, бойитади, ҳам тўлдиради. Ортиқча жиҳозларга, мебелга ҳоҳат қолмайди.

Рухшуносларнинг айтишича, хонадон соҳибининг мижозидан, феъли-хўйдан, ёши ва

## ЎЗЛИгини Топса...

касбидан келиб чиқиб, парда танланса, инсон соғлиги янада мустаҳкам бўларкан. Кундан-кунга аёлларнинг диди юксаклашиб, имконлари кенгайпти. Шунга кўра, кийимларга янгича бисер тикиш, каш-танилик, сартарошлик, косметология сингари йўналишлар бўйича ўқув марказлари ташкил этиламан. Бундан ташқари, аёллар учун “Ватанпарвар” жамияти билан биргаликда шофёрлик курси ҳам очаяпмиз. Ўқув мобайнида қизларни оилавий ҳаётга ҳам тайёрлаймиз. Ҳатто аёлларимиз ҳам билмаган

таомларини, пишириқларни шу ерда ўрганиб олишади. Қизларга сабоқ бериш учун ибратли педагог, ибратли қайнона, ҳуқуқшуносларни таклиф этамиз. Баъзан шаҳар, маҳалла хотин-қизлар кўмиталаридан вакиллар келиб, қизларимиз билан суҳбатлар ўтказишади. Ўйда ўтириб қолган хотин-қизларни иш билан таъминлаш, улар ҳам ўз ишларини очишларига ёрдам бераёпмиз. Ниятимиз - аёлларимиз ўзлигини таниса, кўнгли буюрган касбни эгалласа, оила бюджетига ўз ҳиссасини қўшолса... Менинг

### 26-декабр — Сайловлар куни

орзуйим ушалди, десам бўлади. Яна бир орзуйим-Ўзбекистон тadbиркорлари бирлашиб, халқнинг фаровонлигини таъминласак, мамлакатимизга чет эл технологиясини олиб кириб, дунё стандартларига жавоб бераоладиган махсулотлар ишлаб чиқаришга эришсак, дейман. Махсулотимиз рақобатбардош бўлса - марра бизники. Ўзимга нисбатан эса анча қаттиққўлман. Бу ички ўжарлик асли дадам Саид бободан (охиратлари обод бўлсин!) ўтган. “Бир қадам олдинга ташладингми, иккиланма - иккиланиб босилган йўл унмайди”, - дерди отам. Онам Хурсанд момонинг: “Йўкни “бор”

қилиб кўрсатиш аёлнинг қўлида”, - деган ўғитлари ҳануз эсимдан чиқмайди. 3 қизим ва ўғлимни ҳам шу руҳда тарбиялапман. Ўзига шукр, болаларим ҳам, шогирдларим ҳам уялтиргани йўқ. Хозир 21-Дашт округидан вилоят кенгаши депутатлигига номзодим қўйилган. Халқ ишончини қозонсам, уларнинг фаровонлиги йўлида кучимни аямайман, насиб этса.

**С. ФАХРИДДИНОВА**  
ёзиб олди.



## МАШАҚҚАТНИНГ РОҲАТИ БОР

Лазоқат опа Косимовани Янгийўл шаҳрининг катта-ю кичиги яши танийди. Опа 25 йил Озиқ-овқат техникумида директор лавозимида ишлаб, кўплаб шогирдлар етиштирди. Шу даргоҳдан қарилик нафақасига чиққанидан кейин, хусусий “Зукко” ишлаб чиқариш корхонаси кичик цехини ишга туширди. Цехда болалар гематогени ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу махсулот Республика-мизнинг барча дорихоналарига эҳтиёжга қараб тақсимланади.

Йил бўлди. Бошда хом ашёни МДХ давлатларидан олиб келардик. Бу эса анча ноқулай ва серхаражат бўларди. Хозир Россия технологияси асосида барча хом-ашёни ўзимиз ишлаб чиқараёпмиз. Ишга оилавий бўлиб киришиб кетдик. Ҳилола қизим цех бўлим бошлиғи, ўғлим Анвар технолог, Искандар ўғлим таъминот бўлими бошлиғи. Фақат қизим Хуршида ҳокимиятда ишлайди. Яқинда ирис ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйдик.

- Даромад қандай?  
- Нолимаймиз. Туртта оиланинг қозони қайнаб турибди. Барча

### Тadbиркорлик давр талаби

хизматларни шахсий машина-мизда бажариб, зарур бўлса қўшимча ишчи кучидан ҳам фойдаланамиз.

- Келажақдаги режаларингиз?  
- Бозор иқтисодиёти шароитида бир ёки икки хил махсулот билан тўхтаб қолмаслик керак. Режаларимиз кўп. Хозирча имкониятимиз чегарасида фаолият юритаёпмиз. Шу кеча кундузда 2000 тонна ирисча буюртма олдик. Биз эса бир суткада бор-йўғи 200 кг ирис ишлаб чиқариш имкониятига эгамиз. Келажақда қарамел ишлаб чиқаришни ҳам режалаштириб қўйганмиз.

- Муаммоларингиз борми?

- Иш бор экан, ютуқ ҳам, муаммо ҳам бўлади. Тadbиркорлик юқоридан буйруқ кутиб ўтириш, дегани эмас. Ўзинг учун ўзинг елиб-югуришинг керак.

- Оилангиз билан таништирсангиз?

- Юқорида айтганимдек икки ўғил, икки қизим ва 15 набирам бор. Нима қилаётган бўлсам, шуларни ўйлаб қилаёпман-да. Мен йўл бошлаб берай, кейин ўзларини тутиб кетишар, деб тadbиркорликка қўл урдим-да. “Кўз кўрок, қўл ботир”, - дейишади.

- Сухбатингиз учун ташаккур.

**Тоҳир НОРИМОВ**

## МАҚСАД — СОҒЛОМ ТУРМУШ

“Соғлом авлод учун” Халқаро хайрия жамғармаси — тиббий-ижтимоий, маданий-маърифий ва спорт йўналишларида талай тadbирларни амалга оширмоқда. Жумладан, аёллар ва болалар спортини ривожлантириш, “Соғлом авлод учун” кубоги учун бадий гимнастика, синхрон сузиш, стол тенниси ва бошқа спорт турлари бўйича Республика турнирларини ўтказишда жамғарма асосий ташкилотчи ҳисобланади. Шу йилнинг феврал ойида Ўзбекистонда илк бор “Соғлом авлод учун” жамғармаси ташаббуси билан Тошкент шаҳар ҳокимияти, “Чимён” СМ, “Камолот” ЁИХ ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда “Чимён-Экстрим” қишки экстремал спорт турлари (сноуборд, тоғли слалом ва музга чиқиш) фестивали ўтказилди. Анжуманда 500 нафар, яъни 4 ёшдан 65 ёшгача бўлган қатнашчилар иштирок этишди.

### Ахборот

Жамғарма томонидан, экстремал спорт турларини оммавийлаштириш мақсадида “Янги чўққилар — янги горизонтлар” мавзусидаги янги лойиҳа қўллаб-қувватланди. Лойиҳа доирасида ўзбекистонлик Дилмурод Тиллаҳжаевнинг Ер сайёрасининг энг юқори чўққиси бўлмиш Жамолунгма (Эверест)га чиқиши режалаштирилган эди. Жорий йилнинг май ва июн ойларида мазкур лойиҳани “Алп-Индустрия” халқаро экспедициясида қатнашиб амалга оширди. Ушбу экспедицияда АҚШ, Италия, Россия, Грузия, Германия давлатлари вакиллари билан бир қаторда Дилмурод Тиллаҳжаев ҳам иштирок этди.

Бундай спорт турларини оммавийлаштиришдан мақсад ёшларни спортга қизиқтириш, уларда меҳнатсеварлик, интилувчанлик каби туйғуларини шакллантиришдир.

**Ўз мухбиримиз**

Моҳи Рамазон кунларидаги бир воқеа ушбу иншоно қозога туширишга сабаб бўлди. Ишдан кечроқ қайтдим. Ифторлик учун гузардан ул-бул егулик нарса харид қилдим-да, уйга жадалладим. Ховлидаман. Ҳар куни йўлимга пешвоз чиқиб: "Чарчамай ишлаб келдингизми?" - деб қўлимдаги нарсани оладиган аёлим кўринмасди. Халтани сўртко остидаги сўрига қўйдим-да, кийимларни алмаштириш учун ўз хонамга кирдим. Сўнг "марказ" (оиламиз билан ҳам бўлиб, овқатланадиган уй)га қараб юрдим. - Ассалому алайкум!

Аёлим ифторлик учун дастурхон ёзган, ўзи эса пойгада ўтириб, паришон ҳолда "Зиё" кўрсатувини томоша қиларди. Сездимки, бир кор-ҳол юз берган. У гарчи "зангори экран"га қараб турган бўлса ҳам, уни кўрмас, қандайдир изтироб юзига соя солиб турарди. - Тинчликми? Намунча сувга тушган мушук боласидек хурпайиб ўтирмасанг? - Ҳеч... ўзим... - Келининг қани? - Ошхонада. - Ўғлинг келмадимми? - Йўқ.

Тамом. "Диалог" тугади. Ҳадеб ижиклаб савол беришни эп кўрмадим. Бироздан кейин ўзи "очилиши"ни кутдим. Теледастурни варақладим, нигоҳим кўрсатувга тортилди. - Нигордан дарак йўқ. Бир ярим ой бўлди. Қўлидагисининг мазаси йўқ эди. Нима бўлди? Яқин бўлсайди, дарров кўриб кела қолсанг. Ўзиям Анжанининг бир чеккаси-тупканинг тагида.

- Шунгами? Хаҳ, ўзинг ҳам инжиқ қариясан-да, хотин. Кеп қолар, сабр қилиб тур-чи.

Сукунат. Орадан икки соғина вақт ўтди. Соатга қарайман. Ифторлик яқинлашиб қоляпти. Келин овқат тайёр бўлганлигини айтди. Ўғил ҳам ишдан келди. - Эртага дарсим озроқ. Ваҳли келаман. Ош дамлаб турсанг, бирров бориб, оғиз очиб келамиз. Нима дединг? Ростини, невараларни мен ҳам соғиндим.

Яқши гап яқши-да. Аёлимнинг чеҳраси ёришди. Ўрнидан турди. Назаринда келинига ёрдамлашгани ошхонага йўл олди. Яширадиган жойим йўқ, ёш ҳам элликим ҳахлади. Ўттиз ёшимда отам ўтди, қирқ ёшимда волидамиз бу фоний дунёни тарк этди. Аёлим мендан беш ёш кичик. Бурноғи йили

қайнонамизни тупроққа қўйдик. Оғир дардга чалинган синглимиз ҳам куйёга чиқмай, қаза қилди. Энди бирдан-бир суянч, дуоғу-йимиз қайнонамиз борлар. Етмишни ортда қолдирган бўлсам, ям хушёр, тетик. Тез-тез бизиникига келиб туради. Мана бугун ҳам оғиз очишга яқин битта қовунни кўтариб кириб келди. Яқши бўлди, эртага Нигорлариникига оқсоқолни ҳам бирга олиб кетадиган бўлдик...

Дарвоқе кўз ёш... Агар мен уйлансам, аёлимни кўзига зинҳор ёш келтирмаман, деб ният қилардим. Отабекнинг Кумушойга бўлган меҳр-муҳаббати-

Бош омон бўлса, бу бошга не кўргуликлар тушса, кўз кўриб, хотира саҳифаларига ёзилиб бо-раверар экан...

Уша куни аёлим қизини кўриб, набирасини бағрига босиб, асли ҳолига қайтди, бир гапириб, ўн куладиган бўлди.

Кейинги сафар яна ташаббусни ўз қўлимга олдим.

- Эртага беҳи, ошқоққо солиб кўйирига (жаркоп) қилсанг, мен гузардан халтани тўлдириб келсам, Улуғнорга бориб, ўғилни бир йўқлаб келасан.

- Ҳайрият, эсингизга келибди, уч-тўрт кундан бери оғзингизни пойлайман. Қаранг, Ахрорбек кеча тушимга кирувди-я. Ай-

кўнда эътибор қилавермаймиз, тўғриси, ҳафсала етишмайди. "Уйда туз қолмабди, гугурт йўқ", - деса ҳам селгиб ташлаймиз. Гўшт туганлиги айрилса, қовоғимиз уюлади.

Йўқ, "ола хуржин" бизнинг елкамизда, биродар. Аёлингиз бир бош пиёз сўраб қўшнингизга югурмасин. Сабзи учун гузарга гизиллатманг. Ишга кетаётиб, уйда нима бор, нима йўқ деб, бир оғиз сўраб қўйишга одатланг. Ҳеч бўлмаса, музлаткиччи очиб, кўз қирингизни ташланг. Сиз рўзгор бошиги, ҳар бир нарсани ўрнига қўйинг, бурчингизни бажаринг, дегим келади. Чунки, ҳар бир кўнгил хи-



2004 йил  
"Меҳр ва мурувват йили"  
қандарни ўйланг. Яссавий ҳазратлари айтганидек:  
"Ота-она, қариндош қаён кетди фикр қил, Тўрт оёқли чўбни от бир кун сеига етар-о".  
Шундай экан, ҳар бир эркак

# ДАРДИНГНИ ОЛАЙ, ХОКИСОР АЁЛ!



тишга истиҳола қилиб...

Ўртанча ўғил коллежда ўқийди. Уларни пахта йғим-теримига ёрдамга олиб кетганди. Ахрорбекни мен ҳам кўргим, суҳбатлашгим келтирувди.

Бола ҳаммага ширин. Бекорга кўнгиз боласини "оппоғим", кирпи "юмшоғим" демаган. Айниқса, она бола учун доим парвона, эркак киши бўлса иш билан андармон бўлади, касбдошлари билан суҳбатлашадди, улфатлари билан кўнгил ёзади. Бироз бўлса-да, оила ташвишларидан холироқ яшайди. Аёл-қў?... Агар у уй бекаси бўлса... Уни ҳам тушуниш, қалбини хис қилиш, баъзи инжиқликларини кўтариш, ўрни келса эркалаб-ардоқлаш эрнинг вазифаси эмасми?

Ахрорбекни кўриб келгач, аёлим ёшариб кетгандек, кўзларида кувноқлик, шижоат барқ урғандек кўринди кўзимга. Юзидан табассум аримай қолди. Унча-мунча танбехларимга парво ҳам қилмайди, денг. Ботинкам мойланган, шиминг дазмолланган, ёнида тахланган янги рўмолча... Бу ҳол ич-ичимдан қувоншимга, ишимга унум, баррака кираётганига сабаб бўлди.

Биз эркалар рўзгор ташвишларини майда-чуйда иш деб,

ралиги аслида ана шу арзимас майда-чуйдадан бошланади. Га-юмалаб-юмалаб, катталар, газак олади.

2004 санани Юртбошимиз "Меҳр ва мурувват йили" деб номлади. Бунинг таги заминиде гоят чуқур маъно, катта фалсафа яширин. Уни ҳар ким ўзи дид-фаросати, ақл-идроки билан кашф қилиши керак. **Авалло ҳар бир одам меҳр-муруватни ўз уйдан-оиласидан бошлаши зарур. Хонадондаги аёлингиз, болаларингизни қўя турайлик, сиз парвариш қилаётган мол-қўй, парранда, қўриқчи ит, қолаверса зирот ҳам сиздаги меҳрга муҳтож. Илоҳи бўлса ховлингизга ин қурган қалдирғоч, мусиқаси ҳам озор етказманг.**

Ўз оиласи, хонадонига меҳр-мурувват кўрсата олмаган киши қандай қилиб бошқаларга меҳроқибат бера олади? Ўз оиласидан кўнгли тўқ, хотиржам инсонгина қўшнисига, яқин қариндош-биродарига, мискин-ночорларга ҳиммат кўрсатади! Ҳар қалай, мен ана шундай фикрдаман.

Уйда ота—шоҳ бўлса, аёл—вазир, дейдилар. Отанинг ҳар бир ҳўқми аёлнинг ақл тарозиси, дид-фаросати билан ўлчанади, ўз баҳосини олади, сўнг кучга киради. Шундай экан, эр-хотин "кўш-ҳўқиз" бўлиб, турмуш аравасини бирга тортадилар. Агар аёл руҳан бардам бўлса, кайфияти тушмаса, у кўксиде тоғни кўтаришга қодир. Шундай ҳоллар бўладики, унинг сабр-бардоши, тоқати "ман-ман" деган эркакни йўлда қолдиради.

Бу фоний дунё ҳаммамиздан қолади. Қўли очик кетган Ис-

тизгинни маҳкам ушлагани ҳолда аёлига эътибор берса, унинг кўнглини авайласа, руҳига лат етказмаса, ана шу эрнинг ошиғи олчи, омади юришаверади.

Балки менинг турмуш синовларида тобланиб пишган бу жайдари фикрларим кимгадир эриш туюлар, кимдир ўзини гурур отида (бадавлат, бойваччалар) кўнглим ёзғиршиларини писандига илмас, лекин нима бўлганда ҳам АЁЛ мўътабар инсондир. Ахир у ўз қовурғамиздан яратилган, жони жонимизга туташ...

Сарлавҳадаги "хоқисор" сўзи мен ҳурмат қилган АЁЛга нисбатан нурсизроқ кўриниши мумкин. Аммо мен бу сўзга бутун меҳримни берганман, аёлимдаги ўша хусусиятни қадрлаб, ўттиз йилдан бери яшаб келяман.

Тўғри, мен оила устунли бўлиб, оддий муаллимлик фаолиятим билан қошуна иморатлар қуришга имконим бўлмади, "мерседес" машиналарда юрмадим, аёлимни дуру жаваҳирларга сероб қила олганим йўқ. Бундан сира афсусланмайман. Чунки, мен аёлимга ҳамдард бўла олдим. Йиғласа юпатдим, қулса жилмайдим. Толикса, ёрдамга шошдим. Унинг кўзларига қараб, дили тубидаги гапларни уқаман, тоби қочса, табиб бўлиб жонига малҳам бўла оламан. Умрим осийшталиғи, бахтим шу, деб биламан.

**Абдулҳадд ўрмонов,**  
Андажон вилояти,  
Асака туманидаги  
7-мактаб ўқитувчиси.

## ГИЎХВАНДЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг ташаббуси билан болалар ва аёллар ахлоқ тузатиш колониялари тарбияланувчиларга ҳар томонлама эътибор берилмоқда. Ушбу хайрия тadbирларини амалга оширишда бевосита "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси тиббий, маданий ва гуманитар йўналишларда қўллаб хайрия ишларини амалга ошириб келмоқда.

Навбатдаги хайрия тadbiri ҳам жамиятимизда оналик ва болалик муаммоларини ҳал этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини акс эттириш мақсадида Тошкент вилоятининг, Занги Ота туманидаги болалар ахлоқ тузатиш колониясида ўтказилди. Унда "Ёшлар орасида ОИТСга ўрин йўқ" мавзусида маърузалар қилинди. Тadbир сўнггида колониядагиларга гигиена воситалари, дори-дармонлардан иборат мурувват ёрдамлари тарқатилди.

Ўз мухбиримиз

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси қошидаги "Зулфияхоним қизлари" клуби Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги та-

## ҚОМУСИМИЗ - ИФТИХОРИМИЗ

Ахборот сарруфидаги А.Авлоний номли халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва маънавиятини ошириш Марказий институти билан ҳамкорликда Конституциямиз қабул қилинган кунга 12 йил тўлиши муносабати билан "Қомусимиз - ифтихоримиз" мавзусида тadbир ташкил этилди.

Халқ таълими соҳасида хизмат қилаётган фидойи, заҳматқаш, фаол хотин-қизларга Республика Хотин-қизлар қўмитасининг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совгалари топширилди.

Ўз мухбиримиз



Марказлашган 26-милиция таянч пункти Бўхоро шаҳридаги Фурқат маҳалла фуқаролар йиғини билан аҳолини ҳуқуқий билимларини ошириш, ҳуқуқбузарликларга қарши муҳим тadbирларда ҳаммаши ҳамкор, ҳамфикрди-

лар, - дейди маҳалла раиси Зебо Очилова. - Маҳалламизда 511 та оила - 1627 киши истиқомат қилади. Албатта, ҳаётда ҳар бир оила дуч келиши мумкин бўлган муаммолар ҳам учради. Бундай пайтда биз уларга яқиндан ёрдам берамиз. Оила хотиржамлигини таъминлашдек зарур чораларни биргалликда ҳал қиламиз.

Суратда: Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зебо Очилова ва ва профилактика катта инспектори, майор Зайниддин Жумаев (ўртада) маърифат хонасида. Ражаббой РАҲУПОВ, журналист. Муаллиф олган сурат.

Чўлпоной УМРИБЕКОВА - Бухоро вилояти фуқаролик ишлари бўйича суди раисининг ўринбосари билан кўпчилик газетхонларнинг талабларига биноан бола "асраб" олиш ҳақида суҳбатлашдик.



Хукуқий дарсхона

# СИЗ БОЛА

- Чўлпоной опа, бу дунёда серфарзанд оилалар билан бирга "тирноққа зор" отаналар ҳам топилади. Айни пайтда ота-она меҳрига мушток болакайлар ҳам (афсуски) бисёр.

Фарзандликка олишнинг қонун-қоидалари ҳақида тушунча берсангиз.

- Фарзандликка олиш бу мутлоқ ихтиёрдир. Бир пайтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ болани ҳам фарзандликка олиш мумкин.

Қонунга кўра, фарзандликка олиш, фарзандликка беришда авваламбор боланинг манфаат-

доиши талаб қилинади.

Васийлик ва ҳомийлик органи, туман, шаҳар ҳокими фарзандликка олувчининг илтимосини кўриб чиқаётганда, фарзандликка олиш бола манфаатларига тўлиқ жавоб беришига ишонч ҳосил қилгандан кейингина розилик бериши лозим.

Бола фарзандликка эр-хотин ёки алоҳида шахс томонидан олиниши мумкин. Болани фарзандликка бериш масаласини ҳал этишда фарзандликка олувчининг шахси, унинг ва у билан бирга истикомат қилувчи оила аъзоларининг

зи ҳолатларда фарзандликка олганлар боланинг фарзандликка олинганини ошкор қилишни маъқул топиши мумкин. Лекин унда ҳам фарзандликка олувчининг розилигисиз

# "АСРАБ" ОЛМОҚЧИСИЗ

ти кўзда тутилади.

Шунинг учун ҳам Оила Кодексининг 155-моддасида кўрсатилганидек, бу жараён 10 ёшга тўлган боланинг розилиги билан амалга оширилади. Бола ўз фикрларини ифода қилишга тўла ҳақлидир. Агар бола норози бўлса, унинг фарзандликка олинишига йўл қўйилмайди.

- Ота-онали болаларни ҳам "асраб" олиш мумкинми? Бундай ҳолларда улардан розилик олинмайдими?

- Баъзан кўп болани ота-она ўз розилиги билан "болага зор" одамга ёки қариндошига фарзандини бериши мумкин. Агар ота-она боласини фарзандликка беришга рози бўлса, у ҳолда ўз розилигини ёзма равишда баён этиши керак. Куйидаги ҳолларда: 1. Ота-онанинг қимлиги номаълум бўлса; 2. Улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса; 3. Ота-она муомала лаёқатини йўқотган деб топилган бўлса; 4. Ота-она вафот этган бўлса; 5. Ота-она бир йилдан ортиқ муддат давомида болалар ёки даволаш муассасаларидаги боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаган бўлса, фарзандликка олиш уларнинг розилигисиз амалга оширилади.

- Фарзандликка олувчининг олдига қўйиладиган талаблар ҳақида ҳам гапирсангиз...

- Фарзандликка олиш масаласини ҳал қилишда қатор муҳим факторларга, ҳар бир фарзандликка олишга индивидуал ён-

соғлиги, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, моддий жиҳатдан таъминланганлик даражаси, турар жой шaroити эътиборга олинади.

Оила Кодекси талабига мувофиқ аризага биноан васийлик ва ҳомийлик органлари масалани ҳар томонлама ўрганиб берган хулосасига кўра, туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан расмийлаштирилади. Қарор чиққан кундан бошлаб фарзандликка олувчилар болага нисбатан бир умрга ота-она, у эса уларга фарзанд ҳисобланади.

- Фарзандликка олиш сир сақланадими?

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳар бир шахснинг ҳаёти ва сирларининг дахлсизлигини кафолатлайди.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги маълумотномалар шахсий ёки оилавий сир сифатида баҳоланади. Фарзандликка олишни сир сақлаш қонун билан ҳимоя қилинади. Табиийки фарзандликка олинган бола, ўз ота-онам деб ҳисоблаб юрган шахснинг ўғай эканлигини билиб қолса, бу унга жуда қаттиқ таъсир қилади. Болага руҳий зарар етказилиши, тарбия беришда қийинчилик туғдириши, фарзандликка олганлар билан ўрталаридаги муносабатларнинг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда фарзандликка олиш фарзандликка олинган бола учун сир бўлмайди. Яъни, 10 ёшга тўлган болани фарзандликка олиш учун

бу ҳақда бошқаларга маълум қилиш мумкин эмас.

- Фарзандликка олишнинг хукуқий аҳамияти ҳақида нима дея оласиз?

- Фарзандликка олиш бу ўзгариш фарзандини ўз фарзандига тенглаштириб олишдир. Шунинг учун фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олингандар ўртасида туққан ота-она билан болалар ўртасидаги каби хукуқий муносабатлар вужудга келади.

Фарзандликка олишнинг хукуқий аҳамияти шундаки, фарзандликка олинган болалар барча шахсий ва мулкий ҳуқуқларда фарзандликка олувчининг ўз болаларига тенглаштирилади. Фарзандликка олиш ҳоким қарорига кўра ФХД органларида қайд қилиниб, болага туниганлик ҳақида янги вуқоҳнома берилган кундан бошлаб хукуқий қўлга қиради.

Фарзандликка олингандар ҳамда фарзандликка олувчилар нафақат оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган хуқуқ ва мажбуриятлари, балки қариндошлик фактидан келиб чиқадиган барча хуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар. Масалан, мерос қолдирувчининг фарзандликка олинган болалари ёки фарзандликка олувчилар қонун бўйича ворислик хуқуқига эга бўладилар.

- Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.  
С. ФАХРИДДИНОВА.  
Р. РАУПОВ олган суҳрат.

Ёшлар тақдири учун бугун қанчалик кўп қайғурсак эртага у шунчалик катта самара келтиради.

Бугунги кунда бутун дунёни ларзага солиб турган "гиёҳванд", "террорчи", "жиноятчи" деган сўзлар ўзбек халқи, миллатининг шаъни учун иснод. Бундай иллатларга қарши курашиш фақат хуқуқ органларининг иши эмас, бу - кенг жамоатчиликнинг ҳам вазифасидир.

Ёшларни ҳар қандай иллатлардан асраб, баркамол, соғлом авлод қилиб тарбиялашда оила - мактаб - маҳалла ҳамкорлиги катта куч. Афсуски, бугун мактаб-маҳалла ҳамкорлиги талаб даражасида эмас. Маҳалла, фуқаролар йиғини раисининг ўз ваколати-

дек, назаримда. Яна бир йўқотишимиз, йигитларни хунарга ўргатиш, яъни "бир йигитга қирқ хунар оз" иборасидан йироқ бўлиб қолганимиздир. Баъзида биз отаналар ўзимиз қора меҳнат билан умр ўтказдик. Фарзандларимиз энди яхши яшасан, деб уларни меъёридан ортиқ эркалатамиз - хатоликка йўл қўйганимизни билмай қоламиз.

Хунар ўрганишининг эрта-кечи бўлмайди. Юртимиз азал-азалдан хунармандлар маскани. Хунарманд ҳам, ишсиз ўсмир ҳам маҳаллада яшайди. Демак, маҳалларда "уста-шогирд" ишларини йўлга қўйишимиз керак.

Келин бўлиб тушган маҳаллада темирчи уста ашарди. Эртадан кечгача босқоннинг

# ТИПРАТИКАН ТИКАНСИЗ ТУГУЛАДИ...

ишлардан қўли бўшамайди. Маҳаллаларда ёшлар ўртасида таълим-тарбияни яхшилаш учун ҳукумати-

овози тинмай, шу хунар орқасидан рўзгор тебратиларди. Уста анча

миз қарорлари билан педагогтарбиячи лавозими жорий этилди. Бундан кўзланган максад-ёшлар, вояга етмаганлар ўртасида турли хуқуқбузарликнинг, жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг бўш вақтларини, қизиқишларини инноватга олган ҳолда кўнглини ташкил этиш, ҳамкорликни жонлантиришга эришишдир.

Шундай экан, ёшлар ўртасида фаолият олиб борувчи педагог-тарбиячи вазифасига кадрларни танлашда талабчанлик билан ёндошишга тўғри келади. Низом қоидаларига асосан бу лавозимга маҳаллаларда истикомат қиладиган кўпчилик ўртасида обрўга, ҳаёт тажрибасига эга бўлган ташаббускор, қобилиятли, олий маълумотли етуқ педагоглар қўйилса, нур устига аъло нур бўлади.

"Кўш уясида қўрғанини қилди", - дейди доно халқимиз. Оилада ота-онанинг мавқеига қараб ҳам тарбия турлича бўлади. Бугун биз миллий тарбияни ўғиллардан, эркаклардан бошлашимиз зарур. Болага ота тарбияси керак. Маҳаллада, мактабларда, қолаверса оилада ҳам қаттиққўллик, меҳнатсеварлик, рўзгорга бўлган масъулият ҳисси камайиб бормоқда. Назаримда, аёллар зиммасига юклар ортанидан ортиб, эрлар масъулияти нутиляётгандек. Ишга борганимча кўп кўчалардан, маҳаллалардан ўтиб бораман. Ва булар фарзандлар, ёшлар қошида карта ўйнаб (гоҳида ичиб, чеки) ўтирган ёши улўғ кишиларни учратаман.

Мактабда ўтказиладиган отаналар йиғилишлари ҳам даярли оналар келишади. Мактабда ўқитувчиларнинг кўпчилигини аёллар ташкил этапти. Эркак ўқитувчилар эса мактабни тарқ этишяпти. Кексаларнинг айтишича, бир пайтлар эркак ўқитувчилар ўкувчиларга жуда қаттиққўл бўлиб, улардан болалар хайқишган. Ишга келаётган ёш педагогларда ҳам ёшларни тарбиялашда масъулият ҳисси кам-

ёшга бориб казо қилди-ю, устахона таппа-тақ ёпилди. Кейинчалик устахона бузилиб кетди. Ачинарлиси, темирчи устанинг ишини у кишининг на фарзандлари, на шогирдлари давом эттирди...

Ҳозирги иқтисодий шароит ҳар биримизни ишбилармон, тadbиркор бўлишга ундапти. Ишбилармон, тadbиркорлик, дегани - бир дўкончанчи очиб, ёки кўчада бир тахта-растанни қўйиб, ўсмирни савдо ишига қўйиш эмас, ёхуд 1 та сақични Навоий шаҳридан 15 сўмга олиб, Нуротага келтириб 25 сўмга пуллаш эмас. Ёшларимизни билимли, ишбилармон, тadbиркор қилиб, сўнг пул топишга ўргатишимиз лозим. "Ранж топмай бир дирҳам" топган кишидан эртага ҳар нарсани кутса бўлади.

Энг аввало ота-онанинг фарзандлар тарбиясига бепишандлик, эътиборсизлик, масъулиятсизлик билан қарши кечирилмас ҳол ва гуноҳ. Бунинг эвазига фарзандлар жар ёқасига келиб қоладилар. Бир китобда ўқигандим. Типратикан тиконсиз туғилади. Тикани кейин пайдо бўлади. Одам боласи яхшилиқни ҳам, ёмонликни ҳам ўзини ўраб турган муҳит ва шароитдан олиб ўсади. Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги ҳар қандай жиноятга оиладаги муҳит, маҳалладаги эътиборсизлик сабаб бўлади. Ёхуд Шайх Саъдийда шундай фикрлар бор:

Кимга ёшлигидан берилмас одоб,

Улайгач бўлади бахтсиз,

дили гаш.

Ҳўл новда эгилар, қай

хилда эгсанг,

Қуруқни тўғирлар фақат

ўт-отани.

Менимча, соғлом руҳ ва спорт ёшларимизни ҳар қандай иллатлардан асрайди ва ҳақиқий инсон бўлиб етишувларида муҳим роль ўйнайди.  
Шодигул ХУСЕНОВА,  
Нурота тумани,  
В. Абдулла номили ўрта мактаб директори.

# БАХТИ БЕКАМ

## Яхшилардан сўз очдик



Бахтиёр бобо Шомирзаевни Самарқанд вилояти Пайарик туманида танимайдиган одам бўлмас керак. Ота кўп йиллар маориф соҳасида хизмат қилди.

Туман газетасида юртдошлари ҳаётини, мактовга арзигулик амалларини ёритди. Мактабларда "ёш мухбирлар" тўғрисидаги маълумотномаларни очди. Шогирдлар етиштирди. Матбуотда зиёлиларга, ота-оналарга қарата таълим, тарбия мавзусида "Мурожаатнома"лар билан чиқди. ХДПнинг аъзоси сифатида фаоллик кўрсатди.

Бахтиёр бобо Шомирзаевнинг меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. Бахтиёр отанинг юрагидаги шиддат кўпчилигининг ҳавасини келтириши бежиз эмас. Айни пайтда ота Навоий номидаги маҳалла қўмитаси раисининг муовини, тўй хайъатининг

аъзоси. Ота Зумрад момо билан биргаликда 7 ўғил ва 4 қизни вояга етказиб, 40 дан зиёд нева-ра-чевараларнинг қуршовида

узумзорлар барпо қилди. 70 ёшли Зумрад момо урчўқ йиғириб, гилам тўқиганда эса ҳеч ким унинг олдига тушолмайди.

- Меҳнат, эзгу ният, яхшилик инсонни доим улўғлайди, - дейди Бахтиёр ота. - Мен бутун умр катта-ю кичикдан нимадир ўрганишга ҳаракат қилдим ва излаганимни топдим. Бу эса ёмонликларни, қулфатни даф қилади, одамларни бир-бирига ёру биродарга айлантиради, яхшилиқнинг умри узаяди. Инсонга яна нима керак!..  
Мадина САТТОРОВА

- Эрим билан севишиб турмуш қурганмиз. Битта инстинтутда ўқидик. Иккаламиз икки вилоятданмиз. Тақдир тақозаси билан Тошкентда яшаймиз. Ҳаётимиз эрим эди. Охири пайтларда эрим ўзини бошқача тута бошлади. Яқинда олдимга келиб: "Виждоним қўйналиб кетаяпти, сенга бир сирни айтмасам бўлмайди", - деб, кўнглини "ёрди"... Эҳ, шу гапни эшитгунча қулагим кар бўлиб қолса бўлмасмиди... - телефон гўшагидан аёлнинг чуқур "уф" тортгани эшитилди.

- Авваломбор, тинчланинг! Эҳтимол сиз ўйлаганчалик ваҳимали тус беришга арзигулик гап эмасдир. Ахир, дунёда ҳамма нарса нисбий, деган фикрни эшитмаганмисиз? - дедим дардини енгиллаштираётган эдим.

- Балким... - у бирпас жим қолди. - Айтсам тилим, айтмасам дилим куяяпти... Ўзим 40 ёшданман. Эрим мендан 4 ёш катта. 4 фарзандимиз бор. Ҳаммасининг буй-боши кўзга кўриниб қолган. Катта ўғлим ва қизим институтларни тугатишди. Улар ҳам бу гапни эшитгандан буён, оталарини кўришга кўзи йўқ... Ҳатто отасининг уйдан чиқиб кетишини ҳам талаб қилишди. Аммо бунга эришиб бўлмапти: "Сенсиз яшолмайман, мен аҳмоқчи кечир. Сени севмаганимда, бу "сир"дан ҳеч қачон хабар топмасдинг", - дейди. Аммо мен унинг қилмишини "ҳазм" қилолмагман.

- Ҳалидан буён "сир-сир" дейсиз. Ўзи қандай "сир" экан у?

- Эрим укасининг хотини билан беш йилдан буён "дон олишиб" юраркан. Укаси билан хотинини вилоятдан олиб келиб, шу ердан иш топиб берган эди. Қайним жуда яхши йигит. Доим менинг ҳам хурматимни жойига қўяди. Аввалига яхши ишлаб юришди. Кейин қайини: "Россияга ишга кетаман"га тушиб қолди. Кетганига мана 2 йил бўлаяпти. На хат бор, на хабар... Россияга кетаётганида онаси-га: "Келинигинизнинг жавоби-

ни бериб юбораверинг. Болаларимни хоҳласа ташлаб кетсин. Олиб кетса, ёрдам бериб туринглар. Мен пул юбориб тураман", - деган экан. Демак, қайним акаси қилиб юрган "ишлардан" хабар топгач, мени аяб, қолаверса, акасини шарманда қилмаслик учун Россияга бош

## ЖОҲИЛЛИКНИНГ ЧЕГАРАСИ БОРМИ?

олиб кетган экан-да. Мен нодон бўлса, "Отаси Россияга кетиб, укасининг болалари меҳрга зор бўлиб қолди, кўриб келинг, пулдан ёрдам қилинг", - деб эримни овсинимнинг олдига жўнатиб турардим. Болалар бу ёқда қолиб, эрим укасининг хотинининг кўнглини олиб юрган экан. Тасаввур қилинг, шу қадар жоҳиллик бўладими?! Ўз жигарини аямаган эркекдан яна нима кутиш мумкин?

- Бу гапни эшитганингизда ўзингизни қандай тутдингиз?

- Хушимдан кетаёздим. Эрим дарҳол петилага арок куйиб, менга мажбурлаб ичирди: "Бироз унутасан, юрагингга оғирлик тушмайди", - дея "пайпаслагани"га ўласизми?! Укасининг, бу воқеадан хабардор қариндошларининг юрагини илгарироқ ўйласа бўлмасмиди?

- Бунга қариндошлар қандай акс-садо қилишди?

- Ҳаммасининг "оғзи очилиб" қолди. Нима қилишсин, эримни айблаб ётишибди. Аммо буниси ҳам "ҳолва" экан. Эртаси куни айтган гапидан жинни бўлиб қолай, - дедим.

- Яна айтилмаган "сир" қолган эканми?

- "Уф-ф-ф!" Буёғини қандай айтишни ҳам билмайман. Айтишча, овсинимнинг акасининг хотини уларни биргаликда овлоқ жойда кўриб қолди. Унинг бировга "гуллаб" кўйишдан қўрққан эрим овсинимга "янга-сини ҳам -туғрилаб" беришини, унинг тилини қисик қилиб қўймоқчи эканини" айтибди. Овсиним: "хўп", - деб, бир кунда акасининг хотинини эримга "қўшиб" қўйибди. Энди буёғига нима дейсиз? Ахир бу қандай

ифлосликки, овсинимга акасининг, эримга укасининг чивинчалик қадри бўлмаса?! Унинг бу "сири" мени адо қилди. "Дод" дедим, "вой" дедим, "ажрашаман" деб, кўп ҳаракат қилдим. Шунча қилгилликни қилиб яна: "Менинг кўядиган хотиним йўқ. Энди ҳаммасини йўқ қилдим",



- дейди ахлаб.

- Эҳтимол, бу қатъий ҳулоса - тавбадир. Ахир, эгилган бошни қилчи кесмас, дейдилар.

- Ўз «жигари»га хиёнат қилган одамнинг «тавбаси»га ишониб бўлармиди?! Шу воқеадан сўнг туғилган юртига қайтиб, бувисиникида яшаётган овсинимни ортдан қидириб бордим. Ифлослигини юзига айтиб келмоқчи эдим. Аввалига тан олмади. Унинг қилмишларини эримдан эшитганимни айтганимдан сўнг, "Эринг мени мажбурлади"га ўтиб олди. Янғасининг ҳам қилмишларини очиб ташладим. Овсинимнинг онаси бу гапларни эшитиб, пинагини ҳам бузмади. Демак, бунақанги муносабатлар улар учун "оддий ҳол" - одатий "хунар" экан. Ҳатто овсинимнинг акаси ҳам парво қилмади. Аммо бувиси овсинимнинг кўпчилиги билан "дон олишиб" юришини,

эрим уларнинг биттаси эканлигини ҳаммининг олдида очик айтди. "Буларнинг худдоси бўлмагач, ака-ука, хотинболани биладимми?" - дея буви бошини сарак-сарак қилганча менга таскин берган бўлди. "Эй садқайи одам кетинглар", - деб ортимга қайтдим. Келсам, эрим ширакайф диванда ёнбошлаб ётибди. Кўзимга "балодай" кўринди. "Энди кетмасанг,

кўчадаман. Балки эримни кўрмасам, унинг қилмишларини унутаримдим. Куним "корвалол" ичиш билан ўта-япти. Нима қилай? Сизларга кўнглимни очсам, таскин топаманми, дедим.

- Сизнинг кўнглингизни кашф қилиш учун менинг умрим етмас. Аммо ҳикоянгиздан хулосам— хар битта юрак-битта давлат, дейишадди. Ҳамма нарса ўткинчи, чидасангиз - ютасиз. Ахир айбига иқрор бўлиб эрингиз кечирим сўраб турибди-ку!

Бундан ташқари, қизингиз ҳақ гапни айтибди. Қаерда яшаманг, охири нафасингизгача болаларингиз эрингиздан жонли хотира бўлиб, уни эслатаверадди. Менимча, эрингизга яна бир имконият бериб кўринг. "Синов" натижасига қараб, иш кўргангизга маъқул. Шу кунларда эса сизга маслаҳатим, "дори" ичиб уйда ўтирманг. Ўзингизга қаранг. Соч турмақларингизни, кийимларингизни янги андозага солинг. Дўстларингиз билан чиройли жойларга бориб суҳбатлашинг. Қариндошларини йўқланг. Ишламас экансиз, уларни бошдан-оёқ тозалаб, жихозлар ўрнини алмаштиринг, ўзингиз учун ҳам, болалар учун ҳам янги муҳит, янги кайфият яратинг. Бўш қолманг, китоб ўқинг. Мутолаа ҳам сизга яшашни ўргатади. Ўз муаммонгизга ечим топасиз, деб ўйлайман.

Газетамизни кузатиб боринг, муҳлисларимиз ҳам сизга ўз мулоҳазаларини билдиришади, деб умид қиламан.

- Раҳмат, кўнглим таскин топди. Айтганингиздай йўл тутаман. Газетанонлар ҳам зора фикр билдиришса. Сизга яна кўнгирик қиламан. Хайр!

- Хайр! Санобар ФАХРИДИНОВА

- Отам оғир бетобликка чалиниб, гапира олмай қолганларида мен ҳали туғилмаган эканман. Аммо, онажоним у кишини қаттиқ севгани учун атрофдагиларнинг турли гап-сўзларига ҳам парво қилмасдан бахтли яшаб юришибди. Мен ҳозир институтда ўқияпман. Учга укам бор. Ота-онам жуда ақлли инсонлар. Онам ҳамшира бўлиб ишлайди. Отам эса... У илгари муҳандис бўлиб ишлаган экан, кейинчалик гапира олмай қолган эшик-дараза, ўймакор дарвоза ясайдиган уста бўлиб ишлаб бошлаган. Онамининг айтишча отамнинг овози жуда ширали бўлиб, баъзан онамга кўшқ ҳам айтиб берааркан. 19 йилдирки отам ўз дарду ҳасратларини ҳеч ким билан даррлаша олмайди. Фақат қорозга ёзиб гаплашамиз. Отамнинг меҳри товланса, ёки ташвишлардан сиқилса аста келиб бошимни силайди. Кўзларимга қараганида бир олам ҳасратни кўраман. Хуллас, сўзсиз бир-биримизни тушунамиз. Отам билан бугун тахририятга келишимиздан мақсадимиз отамнинг онамга аталган мана бу сўзларини босиб чиқаришлар, - деди қиз менга қатқат дафтарга ёзилган хатни узатаркан. Мен уни ўқий бошладим. Эркек жихолат бўлгандек йўлакка чиқиб кетди.

«Муслима! Вафодор ва садоқатли рафиқам! Сени менга йўлқитишга Ўллоҳимга шукр. Ҳамма мендан юз ўгириб, сени ҳам ота-онанг олиб кетишмоқчи бўлганида кетмаганинг эсингда-

## ТАШРИФЛАРИНГИЗ... ҲАҚИҚИЙ СЕВГИ ДИЛДА БУЛАДИ

ми? Мендек забонсиз инсонни танлаб, мени баҳтимдан айирмаганинг учун қундан-қунга сени севиб яшадим. Муслима, ҳамма жойда мен бўлиб, менинг номимдан дилмидагиларимни топиб гапирардинг. Мен эса... «Муслима мен айтмоқчи бўлган сўзларимни қаердан билар эканам?» - деб хайрон бўлардим. Уйда эса хат ёзиб буларни сендан сўрасам, қулардинг, ҳолос. Қулганинг ўзинга бирам ярашди. Менинг вафоли, суюкли ёрим! Сенга аталган бу сўзларимни ҳамма билишини истайман. Кеча бир гап эшитиб қолдим. Мен гапира олмаганим билан ҳамма гапни эшитаман-ку!

Маъмурага совчилар келганида мен уйда йўқ эдим. Сенга: "Хотини эрининг безабонлигидан уялиб, уни бирор ёққа жўнатиб юборган бўлса керак", - дейишибди. Буни эшитиб роса куйинганимни кўрдим. Ахир сен, азизим, йигирма йилга яқин мен билан башарасан-ку, шундай эмасми? Кечагина бизни таниган совчилар буни қаердан ҳам билишсин? Муслима! Уларни қўй, ўйламагин. Сен дунёдаги энг аjoyиб, тенги йўқ онасан!

Эсингдадир, бир куни қўшимизникига тўйга очилиб-сочилиб ёнимда бирга кирдинг. Кейин аёллар орасидан кимдир сенга "Эсизгина, ойдеккина экансиз-а!

Соқов эр билан вақтида ажрашиб кетмаган экансиз-да", - деб заҳарли нишини тикиб олибди. Яна бир марта эса ўғлимиз Зафаржон кўчадан йиғлаб кирди. Менинг гапирча олмаслигимни билгани учун тўғри олдинга борди.

- Оқилбек: "Сенинг даданг соқов, гапира олмайди. Сен соқовнинг ўғлисан", - деди, дея ўқсиб-ўқсиб йиғлади. Ушанда унга нима дейишни билмай қолдим. Менга қараб жилмайдинг, сўнг:

- Болажоним! Шунга ҳам йиғлайдиларми? Ахир сенинг дадажонинг дунёдаги энг ақлли одам. Ақлли одамлар кам гапиришади, ёки умуман гапиришмайди. Улар сўзларини ҳам меҳнатлари орқали ифодалашади-да. Буни ўртоқларинг тушунамадир, лекин, сен ёдингда тутгин, - деддинг. Очиги бу жавобингдан кўнглим осмонга юксалди. Сен ҳатто гапирмаслигимни ҳам фазилатдек қабул қилгандинг.

Йиллар давомида ўзимнинг кўнглимдагиларни сенга айтиб, тўйиб-тўйиб суҳбатлашим келди. Аммо, Оллоҳнинг хоҳиши шундай экан. Сенинг рағбатлантиришларинг билан ўймакорлик, дурдагорликни, яъни, устачиликни ўргандим. Дилмидаги

армонларимни гулга айлантириб ясаган нақшларимнинг ҳаммасида сенинг хизматинг катта. Ҳаммаси учун сенга минг раҳмат, муқтарам рафиқам. Ўзгаларнинг миш-мишлари қалбингни эзмайсин. Ахир бир пайтлар мени яшашга, қийинчиликларни енгиллашга ундаган сен эмасдинг?

Бахтли кунларимиз энди бошланаёпти. Тўйлар қиламиз, келинлар оламиз. Маъмура қизимизга яхши жойларга келин бўлиш насиб этар, иншооллох. Сен билан набираларимизни улғайтириб воёга етказамиз. Мен тилим билан айта олмаган сўзларим армонларимни набираларимиз «чуғурлашиб» сўзласинлар. Мен бунга ишонаман»...

Мақтубни қўлимда тутиб турарканман, эшик очилиб эркек хонамга кирди. Унинг нигоҳлари жаовб кутарди.

- Муслимажон аjoyиб инсон экан. Сиз чиндан ҳам бахтлисиз. Зеро тўрт мучаси соғлом баъзи одамлар ҳам бебахт-лигидан нолишади. Бу хатингизни албатта чоп этамиз. Муслима эса буни ўқиб қувонса керак, - дедим. У қилиб ташақкур билдиригандек бош эгди-да, қизи билан чиқиб кетди.

Эрталардаги муҳаббат шу эмасмикин? Ҳақиқий сеvgининг шундай сокин, безакларсиз, оддийгина, кўнглининг тўғи-тубида бўлиши рост. Бундай сеvgи фақат уни Муслимадек кадрлайдиганларгагина насиб этади.

Басира САЙДАЛИЕВА

# МУҲАББАТ ТАРК

Хўш! Баҳром акани кўлга қалам олишга мажбур этган нарса нима? Ёш бир жойга бориб, умр поёнига етган сари одамни бир савол қийнайди. Бу дунёга келиб-кетмоқликдан нималар қоляпти! Ҳаммага ҳам яратганининг хузурига ёруғ юз билан бориш насиб этармикан?

Истайсизми-йўқми, бу савдо ҳар биримизни қаршимизда кўндаланг бўлади. Дунёни ҳар ким ўз қаричи билан ўлчаганидек, баҳоли қудрат, муаммоларга жавоб излайман.

Инсон дунёга келаркан, кўз-очиби кўргани бу онанинг сиймоси, унинг қалбига муҳрланган биринчи сурат онанинг нигоҳи, қувончдан порлаган кўзларидаги шукроналик сийратидир.

Баҳром аканинг бир умрлик ёдда қолган тиник хотиралари олис болалиқдан ҳамроҳ юрак жароҳатлари. Қирқ йилдан буён тасавурида эъзозлаб келган она сиймоси, эҳтимол тушларида ҳам унга тинчлик бермаган, фариштадек, изма-из таъкиб этган волида-си энди рози бўлгандир.

Ҳаётдаги турли чалқашликлар баъзан қисматнинг нотантилиги, фарзандлар тақдирига соя солиши мумкин. Чуккурроқ мулоҳаза қилсак, Баҳром аканинг болалиқдаги ўғай онасидан кўрган алам-ситамлари, охи-оқибат уйдан кетиб, ўртоқлариникидан кўнмин топиши кишини ўйлантиради. «Отасиз етим гул етим, онасиз етим шўр етим», - деганлари шудир.

Онанинг бир оғиз сўзини дуру-ғавҳар қилиб, олийгоҳни тугатиб, мусофирчиликнинг ўн йилдан ортиқ тузини ичган Баҳром акани она муҳаббати яна Самарқандга қайтарди. Ашур акамни ва оила аъзоларини ахтариб Самарқандга келдим. "Э келинлар", - деб отам пешво чикди. Отам ўғай онамга имо қилиб, ош қилишни айтди. Дастурхон йиғиштирилгандан сўнг, отам акамга қараб, мени кўрсатиб: "Бу йигит кайнинг бўладими", - деб сўради.

Акам нима дейишни билмай: "Э ота, танимадингизми, бу йигит укам Баҳром-ку", - деди. Отамни биров тепгандай жойидан туриб: "Э ундай бўлса, кўришайлик", - деб кучоқлаб олди. Отам ўзи билан яшашни таклиф қилди. Мен рад этдим.

Кейинчалик билсам ўғай она, онамизнинг қиёфасини укаларим хотирасидан тамомила ўчириб ташлаш учун рўзгор буюмларини, энг ачинарлиси расмларни йўқ қилган экан. Бунга ишониш қийин. Бироқ хайвон табиат инсон бунга қодир. Бу ваҳшийликлар содир бўлишига аввалам бор отам айбдор.

Қадрли Баҳром ака, онангиз қабрларини топиб, унга ёдгорлик ўрнатиб, обод масканга айлантириб, қалбингиз ором топ-

**"Онани нима улуғлайди?"**  
37-38-39-сонлар

**ЭСАЛАТМА:** Ёшлигим жуذا қийинчилик билан ўтди. Аммо ҳар қандай машаққатни енгиб, онамиз биз фарзандларнинг бошимизни силара. У эрта тонган қош қорайгунча меҳнат қиларди, лекин отамдан биров яхши сўз эшитолмасди. Онам рўшнолик кўрмай қаза қилди. Бунда отам сабабчидай улан нафратланардим.

Б. ИСТАМҚУЛОВ

## ЭТМАСИН



ди. Рухингиз энгил бўлди. Соғинганда борар жойингиз аниқ. Онангизнинг муҳаббатлари тарк этмасин сизни.

ҲИКМАТ МАХСУМОВ

Ҳар бир йигит уйланмоқчи бўлган кизини, нафақат гўзал, шу билан бирга, пазанда чевар, умуман олганда кўли гул бўлишини ҳам хоҳлайди. Қизлар-чи қанақа йигитларни орзу қиларкан? Бўш-баёв йигитларними

нинг рўзғорида камчилик бўлмайди. Топиш-тутишига барака қиради.

Негаки хунарнинг оғирлиги бўлмайди. Бунга ким қандай қарайди билмадим, бу менинг фикрим ҳолос. Сиз-

## ХУНАРНИНГ ОҒИРЛИГИ

ёки ҳар бир ишда чапдаст қатъиятли йигитларними?

Биз йигитлар ҳеч шу ҳақда ўйлаб кўрмас эканмиз! Имкониятларимиз қай даражада, йигит киши билиши керак бўлган хунарлардан, нечтасини биламиз? Тўғри, баъзиларимиз хунарли, фалон ўқишни битириб, касб-корлимиз, лекин ҳаммамиз ҳам эмас-да.

Ота-боболаримиз бекорга: "Йигит кишига қирқ хунар оз", дейишмаган. Бунда гап кўп. Ахир қадимда давлати етти пуштига етадиган, шахзодалар ҳам кези келганда хунар ўрганишган, хунарда гап кўп.

Ҳозирги кунда қизларимиз ҳар хил курсларда ўқиб, турли нарсаларни қилишни ўрганаётган экан, нега энди биз йигитлар қизлардан кам бўлишимиз керак? Биз ҳам анча-мунча хунарларни ўргансак бўлади-ку! Тасаввур қилинг, янги оила бунёд бўлди. Келин пазанда, чевар, кўёв эса касб-корли бўлиш билан бирга хунарли ҳам. Агар шундоқ бўлса, кейинги ҳаётда икки ёш-

**"Йигит кишига қирқ хунар оз" 48-сон**

**ЭСАЛАТМА:** Ушмағи бузилган буюмларни бир эркакка тузаттирдим. Бир гап у яна бир нарсани тўғрираётганда, қайнонам билан қайнам келишиб, мени бузуқликка айбашди. Ваҳоланки, бу ишларни қилиш эримнинг вазифаси эди. Аёллик юмушларини ортиқи билан бажарсам-у, эрим уйда меҳмонми? Нега олдйўқ ускуналарни ҳам тузатишни билмайдми? Уй-жойим учун қуёнасман, яна туҳматга қолдим. Бу воқеада кимнинг айби кўпроқ?

Муаллиф: БАСИРА

## БЎЛМАС...



лар нима дейсизлар? **АКБАР ХОЛМАТОВ,** Тошкент шаҳри, Юнус-обод тумани.

## ЯХШИ ҲАМ БИРОВНИ

Чиндан ҳам сўзининг куч-қудрати чексиз. Яхши сўз билан илонни инидан, ёмон сўз билан пичокни қинидан чиқариш мумкин. Бу мақоладаги воқеани ўқиб бунга яна бир бор ишондим.

Утган йилнинг куз ойлари эди. Узимни лоҳас ҳис қилиб, эндокринолог шифокорга учрашдим. У касалимни аниқлаб, ташхис қўйди ва бир дунё дорилар рўйхатини ёзиб берди. - деди бир дугонан.

Хуллас, турмуш ўртоғим билан эртасига дорихонага бордик. Сўнг шифокор хузурига киргач, мен ишга, ҳўжайиним уйга қайтдик.

Шу кун ишхонада анча ушланиб қолдим. Кечикаётганим учун шошиб нарсаларимни йиғиштириб, боғчага чопдим. Кечки овқатни тайёрлаб бўлгач, ток ургандай сескини кетдим. Дориларни солган сумкам ишхонада қолиб кетибди! Сумкамда тилла тақинчоқларим, анча миқдорда пул ва энг муҳими, шифокор тайёрлаб берган ноёб дори ҳам бор эди.

Ишхонага қайтиб бораёй десам, кеч бўлиб қолганди. Йўқотиш оғир азоб, айниқса, касал бўлиб турганингизда юрагингизга қил ҳам сиймас экан. Мен ҳам шундай аҳволга тушдим. Болагам овқат бердим, ўзимни томоғимдан ҳеч нарса ўтмайди. Фақат йиғлайман, Аллоҳдан илтижо қиламан. Сиқилишимни кўриб, ҳўжайиним аввал уришди, сўнг:

- Кўп сиқилиб ўзингни қийнама. Шундоғам чекаётган азобинг етади, қўй, пул қўлингиз кири, - деди.

Мени на тиллаларим, на пул ўйлантирар, фақат "дориларимга ҳеч ким тегмас бўлгани, Аллоҳим, омонатимни ўзингга топширдим", - дердим нуқул ичимда.

Шу кун кечаси билан мижда қоқма-

**"Оғзингизга қараб гапиринг" 42-сон**

**ЭСАЛАТМА:** Пул ва тилла тақинчоқларини машинада унутиб қоларган аёл бекатни бошига кўтариб уни олган ҳайдовчини қаргаб, унга ўлим тилларди. Олжаноб ҳайдовчи сумкани топиб олиб, қайтиб келди. Аммо, аёл қарғишни қайтиб олмай, уни қаргайверди. У эса Хулоғга солди. Сал ўтмай автобустга шошган аёл сирпаниб кетиб, юзи қонга бўялди.

Б. САЙДАЛИЕВА

## ҚАРҒАМАГАНИМ...

дим. Бўқоқ касалидан нафас ололмай қийналганим етмагандй, рўй берган воқеа юрагимни эзарди.

Тонг отиши билан "бисмилло" деб йўлга отландим. Ишхонага қираяпман, юрагим така-пука. Ахир, худо билади, икки мингта яқин одам бор жойда нарсангиз турадимми-йўқми? - дейди шайтон кўнгил. "Эй худо, ўзинг асра!" - дея тўртинчи қаватга қўтарилдим. Эшикни очарканман, шубҳам ўйлар исканжасида бутун вужудим титради.

Шундоқ эшикни очдим, бўсағада қотиб қолдим. Қора сумкамни столга қандоқ қўйган бўлсам, шундайлигига турарди. Чопиб бориб ичини очдим: узук-зирақларим, пуллар, дорилар... ҳаммаси жойида. Бўшашганча стулга ўтириб қолдим. Унсизгина ёш тўкиб, ич-ичимдан Аллоҳга ҳамду-санолар айтдим.

Агар мен ҳам қаргаб, тилимга эрк берганимда ёки бадғумон ўйларга борганимда, ўзим ҳам мулзам бўлардим, ўзгаларнинг ҳам дилини хуфтон қилардим. Шунинг учун ҳам: "Ким олса ҳам буюрма-син", - деган сўзларни айтганим учун ўзимдан хурсанд бўлдим. Шундай экан, яхши иш, яхши амалимиз билан яшашга не етсин!

Ф. ТОХИРОВА

**Тендошим Н.** Сизнинг ҳозирги ҳолатингизни тушуниб турибман, қадимдан қолган бир нақл бор "Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб".

Ҳа, мени ҳам бир вақтлар ҳаёт ўзининг шафқатсиз ўйинлари гирдобига ташлаган эди.

Мен ҳам сиз каби бир инсонни бутун борлигим билан севиб уни ардоқлаб юрган кезла-

## ШАФҚАТСИЗ АЗОБСАН СЕВГИ

**"Менга буюрмаган бахт" 47-сон**

**ЭСАЛАТМА:** Ёшим 22 да. Бир йигитни севардим. У менга уйланмоқчи эди. Онаси ва акасининг туҳматини билан бошқа кизга уйланмаган бўлаш. Лекин менга буюрмаган бахт, бошқасига буюрармикан?

Н. Тошкент шаҳри.

рим у инсон севгимга жавобан вафосизлик билан жавоб қайтарди. Лекин на илож, буни ҳаёт деб қўйибдилар, бир инсон сизни ташлаб кетгани билан ҳаёт тўхтаб қолмас экан.

Севги - бу илоҳий туйғу, лекин мана шу илоҳий туйғуни ҳозирги кунда биласизми, нима билан ўлчаяптилар - бойлиги мансаб билан.

Н. сиз ўзингизни қўлга ола билишингиз керак. Майли, А. бошқа бир кизга уйлансин, ўша киз билан бахтли яшашга ўзининг кўзи етармикан? Агар у сизни ҳақиқатан ҳам севса, менимча уларни қурган оиласи нураб бораётган девордек бўлмасмикан, ота-онанинг орзу-ҳаваси деб уч беғуноҳ инсон бахтсиз бўлиши мумкин-ку?!

Нахотки шуни ота-оналаримиз тушунишмаса, бировнинг фарзандини бахтсиз қилиш инсофдан эмас ахир. Азиз ота-оналар, сиздан бир илтимосим, фарзандларингизни ўз хоҳишига қўйиб беринглар. Уларнинг ўзлари мустаҳкам оилани қура били-

шад, сизларнинг орзу-ҳавасларингиз ушандагина ушалмайди-ми, фарзандларингиз бахти сизнинг бахтингиз эмасми?! Балки менинг сўзларим азиз ота-оналаримизга қаттиқ ботар, лекин ҳақ гап доимо тўғри йўл кўрсатади. Н. сиздан бир илтимосим, ҳаётингизни қайта бошлашингиз учун ҳали қанчадан-қанча имкониятлар бор, балким кейинчалик бошқа бир инсонни севиб қолиб,

бахтли бўлишингиз мумкин. Шунинг учун доимо олдинга интилиб яшанг. Ҳаммаси яхши бўлиб кетади, буни ҳаётий тажрибамдан

келиб чиққан ҳолда айтганман. Сизга севги қасрининг гўзал маликаси бўлишингизни тилаб қоламан.

**Ҳаёллар тафтидан орзулар**

унар,

**Соғинч дийдоридан кўнгишлар**

тўлар.

**Сенинг рашик ила юраклар**

қўяр,

**Шунчалар ширинсан, қийноқсан**

севи.

**Сени деб зимистон чароғон**

бўлар,

**Сени деб қўнлар гўё туи бўлар.**

**Баъзида соғинчдан диллар хуи**

бўлар,

**Шунчалар шавқатсиз азобсан**

севи.

**ШАҲНОЗА,**

Бухоро шаҳри.

ТАБРИКЛАЙМИЗ

ЭЪЛОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар "Оила зийнати" Маркази килари ва қадимчиларни оилани ҳаётига тайёрлаш мақсадида қўйидаги қасблар бўйича ўқув курсларини ташкил этди. Марказда кам таъминланган оила фарзандлари учун чоғирмалар бор.

Ўқув мuddати 2 ойлик курслар
Бичиш-тикиш "Элита" усулида пардалар, чой-шаблар ҳам тикиш - Бисерлардан фойдаланиб тикиш - Бошланғич компьютер билимлари (Windows 2000) - Олий даражада торт ва салатлар тайёрлаш - Сарғайрошлик - Косметология - Маникюр-Бугалтерия-касса аппарати назоратчиси-Қандолатчилик-олий курс.
Ўқув мuddати 3 ойлик курслар
Миллий кўрпа-кўрпачалар тикиш - Юмшққ ўйинчоқлар, бешик кўрпачалари ва ёстиқчаларини тикиш.
Ўқув мuddати 4 ойлик курслар
Массаж ва уй ҳамширалиги - Бичиш-тикиш (бошловчилар учун) - Маънада гул тикиш (видажа).

УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС ҒОЗИЕВИЧ
ЭНУРЕЗ ХАСТАЛИГИ БИЛАН ОФРИГАН ҚОВУГИ БЎШ ЎФИЛ ва КИЗ БОЛАЛАРИНИ БАТАМОМ ДАВОЛАЙДИ.
Бўйрак, қовуқ, простата беши касалликларини ДАВОЛАЙДИ.
Манзил: Марказ-15, 12-уй (Жангоҳ маҳалла) Мўлжал: Метронинг Ғ. Фулом бекати. Тел: 144-46-87 9:00-17:00гача. Чорсудан 123, 100 автобус. Марш. такси. 2, 4, 7, 77, 91. Себзор бекати.

РИВОЯТЛАР
Мухаммад АВФИЙ

Сомонийлар сулоласининг подшоҳларидан бири бўлган Амир Наср Аҳмад Сомонийнинг муаллими ёшлигида таълим бераётган, жуда кўп марта таёқ билан урган экан.
Амир Наср: "Бирор кун султон бўлсам жазосини берарман", деб кўнглига тугиб қўйган экан.
Вақти келиб Амир Наср султон бўлибди. Бир кеча у ёшлик чоғларини эслаб ётганда, калтаклаган муаллими едига тушибди ва тун бўйи унга қандай жазо бериш кераклигини ўйлаб чиқибди.
Эрталаб хизматкорларидан бирига боғдан беҳи дарахтининг хипчинидан ўн дона кесиб келишни, иккинчисига муаллиминини топиб келтиришни буюрибди.
Хизматкор муаллимнинг хузурига борибди. Муаллим:
- Султон қай вазиятда мени эслаб қолди? - деб сўраган экан, хизматкор шундай дебди:
- Бир хизматкорга боғдаги беҳи дарахтидан ўн та хипчин кесиб келишни, менга эса сизни топиб келишни буюрди, - дебди.
Муаллим султон Амир Насрнинг ўч олиш пайига тушганини англабди ва йўлда бозорга кириб бир динорга энг яхши беҳилардан сотиб олиб, қўйнига яширибди.
Муаллим Амир Насрнинг хузурига кирганда, амир унга хипчинни кўрсатиб:
- Бунга нима дейсан? - деб сўрабди.
- Ҳозир, - дебди муаллим ва қўлини қўйнига тикиб, ҳалиги чиройли беҳиларни қўйнидан олибди-ю султонга қараб, - умрингиз узок бўлсин, бир оғиз сўзим бор, - дебди.
- Айт, - дебди Амир Наср.
- Мана шу бежирим ва хушбўй мева қўлингиздаги хипчиндан ҳосил бўлган, - деган экан.
Қиссадан-хисса шуки, бу гап билан муаллим, ўша пайтда сени савалаганим туғайли, султон даражасигача кўтарилдинг, деб ишора қилади.
Бағдоднинг машҳур ва донишманд ҳалифаларидан Хорун ар-Рашид бир кун туш кўрса, ўттиз икки тиши тушиб кетганмиш. Халифанинг кайфи учиб, мунажжим ва муаббир (туш таъбирини айтиб берувчи одам)ларни қақирибди ва улардан кўрган тушининг таъбирини сўрабди.
Шунда муаббирлардан бири:
- Эй буюк амир, бутун қавм-қариндошинг ва уруг-аймогинг ўлиб, ўзинг дунёда яқкаю-ёлғиз қолар экансан, - дебди.
Халифа Хорун ар-Рашиднинг юрак бағри эзилиб, совуқ гаплари учун бу муаббирга юз дарра уринлар, деб фармон берибди. Бу совуқ хабар кун бўйи унга ором бермабди ва эртасига бошқа муаббирни қақириб, бу тушининг таъбирини сўрабди.
Иккинчи муаббир:
- Эй амир ал-мўминин, худойи-таоло сизга бениҳоя умр, бекиёс давлат берган, сиз барча қавм-қариндош ва авлодларингизга нисбатан кўпроқ умр кўрар экансиз, - дебди.
Бу гаплардан Хорун ар-Рашид севиниб кетибди ва шундай дебди:
- Иккала муаббир ҳам бир хил маъноли гапни айтди. Иккинчи муаббир фикрини одоб билан, чиройли сўзлар билан айтгани учун юз динор муқофотга сазовор бўлди, биринчиси эса томдан тараша тушгандай кўпол сўзлагани учун юз дарра еди, - деган экан.
Қиссадан-қисса шуки, ҳар бир гапни ҳам ўйлаб, чиройли сўзлар билан ва ширин калом билан қозоғга ўраб тушунтириш лозим.
Ҳасан ШУКУРОВ, муҳандис.

Суякчи жияним ЗИЛОАХОН!
Туғилган айёминг билан қутлаёмиз. Барча орзуларингга эришингизни тилаёмиз.
Жигарларинг номидан Зухраоӣ холаг!
Акажоним ЗИЯДУЛЛА!
Таваллау топган кунингиз муборак бўлсин. Ота-онангиз ва фарзандларингиз бахтига соғ-омон бўлинг.
Сингаингиз Зебунисо, ТДПУ II-курс талабаси. Шаҳрисабз.
Меҳрибон онажонимиз Нозира НОРҚУЛОВА!
Сизни таваллау айёмингиз билан чин қаблмиздан қутлаёмиз. Узок-умр, соғ-саломатлик, дунёдаги жамики эзгу тилакларни тилаёмиз.
Оила аъзоларингиз, Баҳмал тумани.
Меҳрибон бувижонимиз Озода БОНУ!
Сизни таваллау айёмингиз билан табриклаёмиз. Мустаҳкам соғлиқ ва катта оилани бошқаршингизда омад, сабр-матонат тилаёмиз.
Суякчи неварангиз Мунисаоӣ!

"ТИШИМ" - АКАМ БЎЛИБ ЧИҚДИ
Тошкентга олиб келиб, шифокорларга кўрсатиб кетишларини айтдилар. Кўнглим хижил бўлса-да, аямга тушим ҳақида "лом-мим" демадим. Ордан бир кун ўтгач, акамни Тошкентга олиб келаётган, йўлда жонлари узилгани ҳақида хабар келди.
Менинг оху-фигонимнинг чеки йўқ эди. Акам ҳали жуда ёш бўлиб, 2 фарзандлари етим қолди...
Бу воқеага ҳам 4 йил бўлапти. Ўша кунги тушим бот-бот ёдимга тушиб, қалбимни тилимлайди. Ўнг томондаги тиш-ота, амаки ва акаларга ишорат экан. Тишдан ажралиш - қадрдонингни ерга бериш, ўрнининг қорайиб қолгани - юракдаги доғнинг изи экан...
Туш - келажак дарақчиси, деб рост айтишаркан...
Нигора ЖЎРАЕВА, Шаҳрисабз.

ОТАЛАР МАДҲИ
Фалакка термулиб сўйладим узок, Эй осмон, сен ўзинг менга қувват бер. Чунки, қалам олиб қўлга ушбу чоқ - Оталар ҳақида ёзқоқмаман шеър. Гарш битилгандир шеър, достон, аммо, Улар шаънига сўз қанча айтсам кам. Ахир, ота бўлган Пайгамбар ҳатто, Ахир, ота бўлган Одам Ато ҳам. Хув, ана, юксакда кўринган кўёш Дунёни бир хилда қизтирмайди. Оталар меҳри-чи, фарзанд талош,
«Оила ва жамият» ўғитномаси
Барчасин эркалаб, суйиб толмайди...
Эй бола, бу шеърдан изламай ташбеҳ, Бориб ўз отангни ҳурмат қил, асра. Шоирнинг энг ўзгал шеърдан у бех, Уни мақтай олмас миллион-минг мисра. Отангни бошинга кўтаргил беги, Шунда асл бахтга ета олдурсан. Асло икки қилма гапларин буғун, Эртага ўзинг ҳам ота бўлдурсан.
Мансур ЖУМАЕВ, Қарши шаҳри.

Маслаҳатхона
Кўзимнинг остида тез-тез кўсимтир халқалар пайдо бўлади. Бу қаттиқ толиқшишдан экан. Уни йўқотиш мумкинми?
Н.МАКСУДОВА, Наманган вилояти.
Мен ҳар доим, қишининг совуқ чилласида ҳам, ёзининг жазирама иссиғида ҳам совқотиб кетаверарман. Баъзан кўлларим музлаб қолади. Мен нима қилишим керак?
И.МАЪМУРОВА Тошкент вилояти
Демак, сизнинг қонингиз камайиб кетган. Кўпроқ анор, банан ва гўшт ейишингиз керак. Агар оёқларингиз музлаётганини сезсангиз олдинга қараб бир неча қадам ташланг-да, сўнг бир неча марта ўтириб туринг. Агар кўлларингиз музласа - муштингизни елкангиз билан силжитиб, бармоқларингизни тез-тез очиб, мушт қилиб ҳаракатлатирилинг.
ГУЛБАШАКАР тайёрлади

КЎЙ (21.03 — 20.04).- Дўстларингиз билан маслаҳатлашиб иш тусангиз, ошигингиз олчи бўлиши кутилмоқда. Омадли кун жума.
СИГИР (21.04 — 21.05). - Ўз бойлигингизни кўз-кўз қилмаганингиз маъқул. Акс ҳолда куйиб қоласиз. Камтароқ бўлинг.
ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06). - Таътил учун энг яхши вақт. Соғлигингизни асраб-авайланг. Кўпроқ дам олинг.
ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07). - Ўзгалар ҳисобидан бойлик орттиришга ҳаракат қилманг. Ўзингизга ишонинг.
АРСЛОН (23.07 — 23.08).- Бу ҳафтада бировдан қарз олмаганингиз маъқул. Рўзгорингизга эҳтиёт бўлинг.
БОШОҚ (24.08 — 23.09). - Оллангизга кўпроқ вақт ва маблағ ажратинг. Омадли кун яқшанба.
ТАРОЗИ (24.09 — 23.10). - Ҳафтанинг биринчи ярмида шошмасдан, ақл билан иш тутинг. Ўзгаларнинг фикрига қулоқ солинг.
ЧАЁН (24.10 — 22.11).- Ҳафта анча мураккаб кечади. Маблағдан биров қийналиб қолишингиз мумкин. Тежамкор бўлинг.
ЎКОТАР (23.11 — 21.12). - Ҳафтада йирик буюмлар харид қилишга иккиланманг. Харидлар учун қулай ҳафтадан фойдаланинг.
ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01). - Чоршанба кун яқин дўстларингиз ёрдамига муҳтож бўласиз. Уларга суянсангиз адашмайсиз.
ҚОВҒА (21.01 — 18.02).- Ўзингиз билан кўп миқдорда пул олиб юрманг. Юлдузлар сизга эҳтиёткор бўлишни маслаҳат беради.
БАЛИҚ (19.02 — 20.03). - Саҳийлигингиз анча панд бериши мумкин. Шу боис қилган яхшилигингизни миннат қилманг.

Кунларнинг бирида Жиззах шаҳридан иш билан Тошкент-Жиззах автобусига чиқдим. Ёнимдаги ҳамроҳим эса 50 ёшлар атрофидаги бир аёл эди. Анча-гача индамай кетдик.

Тикилиб қарасам аёлнинг кўзлари, чехраси қандайдир изтиробли...

- Сизга нима бўлган синглим, юзларингиз гап ва аламга тўлибди, исмингиз нима? - дедим.

- Дардим кўп ака, исми Нодира. Ёшим бир жойга бориб қолганда бошимга шунча ташвиш тушади, деб ўйламагандим, - деди. Сўнг гапида давом этди.

- Мен колхозчи оиласида туғилганман. 1972-73 йиллар эди. Онам: "Сен ўқишинг керак!" - деб мени Жиззахдаги холамниқига олиб борди. Хо-

**Йўл-йўлакай сўхбат**

лари ҳам асфальт қилинганди. Фақат ишлаб, яшаш керак холос. Қайнотам оиламга жуда катта ёрдам бериб турарди. Озиқ-овқат, кийим-бош ва бошқа томондан ҳам. Шундай қилиб орадан яна йиллар ўтди.

Менга холам-қайнонам, қайнотам, опам ҳам: "Турмуш кургин", - деб бир неча марта айтишди. Ушанда болаларим 7-8 ёшларда эди. Мен "Турмушга чиқмайман!" - деб туриб олгандим. Бу орада мен мактабни ташлаб, ёйма бозорга чиқиб, савдо-сотик ишлари билан шуғулланиб, бир амаллаб оилани тебратиб турдим. Ана шу кезларда бозордаги танишларим: "Нодира, сен турмушга чиқмасанг бўлмайди", - деб

бир йигит билан таништириб қўйишди. У йигит 40

**ТАҚДИРИ АЗАЛ**

ламга: "Жиянинг сеникида яшаб, педагогика билим юртида ўқисин дегандим", - деди. У "жон" деб қабул қилди. Ўқишга кирдим. Бўш вақтларимда холамга қарашардим. Ховли супураб, тандирда нон ёпар, кир-чир ювар, сигир соғиш, қўйинг-ки, катта ҳовлининг ҳамма юмушларини қилардим. Поччам вилоят қурилиш идораларидан бирида бошлик, холам эса мактаб директори эди. У киши эрта ишга кетиб, кеч қайтарди. Поччамнинг катта ўғли Фазлиддин Тошкентда ўқир, ҳар ҳафтада бир марта келиб-кетарди. Ўқиниши битиргач, уйга қайтиб кетдим. Бир кун холамниқига келсам, у мени олдига чақириб: - Нодира, бир гап бор. Поччангга сен ёқиб қолибсан, Фазлиддинга сени сўраяпти. Сен нима дейсан? - деб сўради.

- Хола, менинг онам ўғай бўлса ҳам отам бор, шулар нима деса, шу бўлади, - деб жавоб бердим.

- Нима, ўз отангиз ташлаб кетганмиди? - деб сўрадим аёлдан.

- Йўқ, у киши биз жуда ёшлигимизда оламдан ўтган экан, - деди аёл.

- Сиз Фазлиддинга турмушга чиқишга рози бўлдингизми?

- Биласизми, колхозчи оиласининг фарзанди, колхозчи йигитларга турмушга чиқиши керак экан. Негаки мен шаҳарга келиб 3-4 йил яшаб ўрганиб қолибман. Ҳар холда газ, сув, ҳаммом, ҳар бир оила аъзосига алоҳида ўрин-кўрпа дегандек... Қўйингки, ҳамма нарса озода-саранжом эди поччамниқиди.

Мен оналарнинг турмушини кўриб ҳайрон қолардим. На водопровод суви, на газ, ҳаттоки, электр тоқини ҳам кечкурун соат ўндан кейин ўчириб қўйишарди. Хуллас, шуларни ўйлаб розилик билдирдим. 1976 йили мен турмушга чиқдим.

Фазлиддин акам билан бир ўғиллик бўлиб, исмини Эркин деб атадик. Кейин бир қизлик бўлди. Исмини Маърифат, деб қўйдик. Хуллас, турмушимиз анча яхши эди. Лекин бахтимга кўз теги.

Турмуш ўртоғим бирдан оқсоқланиб қолди. Мактабда ўқиб юрганлариди бир жойдан йиқилиб тиззасининг қосаси дарз кетган экан. Қайнотам ўғлини вилоят шифохоналарига бир неча мартаба ётқизди. Санаторияларга юборди, лекин шифо топмади.

Эрим саратон касалига чалинганди. Хуллас, 1985 йили эрим оламдан ўтди. Қайнотам микрорайондан бизга уч хонали ўй олиб берганди. Икки йилча яшаб, Фазлиддин акам касалхонада бўлгани учун яна қайнотамниқига кўчиб келгандик. Эрим ўлганидан кейин, қайнонам билан бир мактабда ишлай бошладим. Қайнотам яхши топарди. Шунинг учун келиним, набираларим қўйналмасин, деб ўзларига яқин жойдан ер олиб, яхши ўй

ёшга тўлган бўлса-да, турмуш қурмаган экан. Россияга юк ташиб юрган экан. На уйи бор, на жойи... Россияда юрган вақтида, қайси бир меҳмонхонада деразадан йиқилиб, шифохоналарда анча даволанган, опа-акаларининг айтишича анча асабий экан.

Уша йигит билан танишганимдан сўнг, отам, опам, қайнотам, қайнонам ва ака-укаларим кўзимга балодек кўрина бошлашди. Шу кезларда ўғлим, кизим ҳам бўйига етиб қолишганди. Биз Зоир ака билан кунда учрашиб, уйга кеч келадиган бўлиб қолдим. Бу воқеадан хабардор бўлган қайнотам, қайнонам, онам, акаларим, менга насихат қилишди. "Болаларингни уйлагин, кизим. Эрта индин ўғлингни уйлантирасан, кизингни эрга беришинг керак. Агар эрга тегшинг керак бўлса, тезроқ тегиб кетгин. Аёл киши кўча-кўйда бу аҳволда юрсанг болаларингга иснод келтирасан, умрларига тўғаноқ бўласан", - дейишарди. Орадан бир-икки йил ўтиб кетди. Зоир акани на уйи, на жойи, на кўрпа-ёстиги бор. Йигитни қайнотам қуриб берган уйга ичкўёв қилиб олиб келдим. Яшай бошладик. Бу орада кизим Маърифатга совчи келди. Уни турмушга бердик. Лекин эри ҳар гапида: "Сен кимнинг қизи эканлигингни биласанми? Мен ҳаммасини биламан!" - деб камситгани-камситган экан. Бир болали бўлганда кизим эрдан ажрашиб қайтиб келди. Ўғлим Эркинни ҳам уйлантириб қўйдик. У ҳам бир ўғиллик бўлди. Лекин келиним онасининг уйига бориб келган кунлари уришиб қолса, ўғлимга: "Сен гапирмасанг ҳам бўларди! Онанг яхши бўлганда, сен ҳам яхши бўлардинг!" - деб камситаркан. Бу орада Зоир ака ҳеч қаерда ишламай уйда ётарди. Россияда орттирган касали кучайиб, ҳеч нарсага тушунмайдиган, ўзини ҳам билмайдиган бўлиб қолганди.


Қайнотам, қайнонам ва қариндошларим мендан юз ўгиришди. Ҳозир шуларни ўйлаб юрагим сиқилиб кетади. Нега мен ҳеч кимнинг маслаҳатига кирмаган эканман? Мана энди афсус-надоматлар бўлсин-ки, ўзим пиширган ошни ўзим еб адо қилолмайман.

Охир-оқибат кизим турмушдан ажраб уйда ўтирибди, эрим эса бу аҳволда... Келинимнинг олдида ўғлимнинг тили қисқиб бўлиб қолди. Энди эса... Ҳамманинг айниқса фарзандларимнинг олдида айбдорман.

Бу вақтга келиб автобусимиз ҳам "Отчопар" бозорига етиб келди. Ҳаммамиз шошилиб бозорга тарқаб кетдик. Нодира билан эса бозор тугагандан кейин яна автобусда учрашишга келишгандик, аммо яна учрашиш насиб этмади.

**Н. КАРИМОВА,**

**Жиззах вилояти.**



**АЙТИЛМАГАН СЎЗЛАРИ КЎП ЭДИ**

Инсон борки ошани ошаб, ёшини яшаб дунёдан кўз юмсин экан. Бемаҳал узилган гўлдек тўсатдан бу ёруғ дунёни ташлаб кетиш... Оғир, айниқса унинг яқинларига, дўсту биродарларига жуда оғирлик қилар экан... Бунинг биз «Оила ва жамият» газетасининг ходимлари, газетамизнинг куйинчак ходими, шоир, ўткир қалами билан юртимизда ўз мухлисларига эга бўлган ҳамкасбимиз Тоҳир Норимовдан айрилганимизда яна бир бор ҳис этдик. У ҳаётни жуда севарди. Хали дилида айтилмаган сўзлари, битилмаган асарлари жуда кўп эди.

Бир кун аввал бир-биримизга яхши тиллақлар тилаб хайрлашиб, уй-уйимизга кетаётганимизда, қайтиб шу дўстимизни кўрмаслигимизни қайдан ҳам билимиз. Аммо, ўлим ҳақ экан.

3 декабр куни эрталаб ҳамкасбимиз Тоҳир Норимовнинг автоҳалокат туфайли бевақт вафот этганини эшитдик. Қалбларимиз мудҳиш бу хабардан қақшаб, изтиробдан титради. Шу куни кечгача уни сўраб кўп мухлислар кўнғироқ қилишаркан, уларга ҳар гал: «Тоҳир Норимов энди йўқ, у бизни ташлаб кетди» деган сўзларни айтишга қийналдик, эзилдик.

Тоҳир Норимов сафимизга ўзининг ажойиб, дилга яқин мақолалари, шеърлари билан кириб келганди. Ёзганлари ҳам ўзинга хос табиийлиги, дилга яқинлиги билан

бошқаларникидан ажралиб турарди. У таҳририятдаги шеърят, ҳамда, «Оила» бўлимини бошқарарди. Юртимизда кўплаб бахтли оилалар пайдо бўлишига ўз ҳиссасини қўшганди. Қанчадан-қанча оилалар билан гаплашиб, уларнинг тикланишига ёрдам берганди. Унинг дўстлари жуда кўп эди. Ҳаммамиз уни самимийлиги, оғир-вазмин табияти, қолаверса мақолаларимиз юзасидан айтидагидан рўйроқ сўзлари учун ҳам ҳурмат қилардик. У Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги «Мирзабоблон» қишлоқидан эди. Қишлоқдошларини, далаларни, боғларини соғинганини қайта-қайта айтаркан: - Қишлоқдаги қиш бошқача бўлади-да, айниқса... оппоқ қорлар ёғиб турганда қишлоқни айлансам, кўнглим баҳордек яшнаб кетади.

**Юрган сайин оёғинг остига оппоқ поёндоз тўшалаётгандек бўлади, - деганди бир куни дераздан қор, ёғишини томошга қила туриб.**

3-декабр куни уни дафн этиш учун ўзи туғилиб ўсган қишлоғига олиб кетишарётганда ёғаётган ёмғир бирдиганга оппоқ қорга айланди. Самарқанд заминига туташган йўллар ҳамкасбимизнинг йўлларига оқ поёндозларини тўшади гўё...

Бизга унинг ўрни ҳали кўп билинади. Чунки, у ҳаммага меҳрибон, энг дилкаш, самимий ҳазилларнинг сабабчиси бўларди. Дўстлари кўп йўқлаб келишса жуда қувониб кетарди.

**Оламинг шоолиги ишгилса бутун, Дўстлар дийдоридан бўлалмас устун. Ҳасратга тўлади кўнглим қосаси, Қадрдон дўстлардан жудо бўлган кун...**

-дега ҳазрат Рўдакийнинг мисраларини кўп такрорларди.

Чиндан ҳам бутун кўнглимиз ҳасратга тўлди, чунки, биз қадрдон ҳамкасбимиз, дўстимиздан жудо бўлдик.

Оллоҳ уни ўз раҳматига олган бўлсин. Илоё жойлари жаннатда бўлсин.

**«Оила ва жамият» таҳририяти**

**БУ КУНЛАР ҲАНИМАТ...**

**Тоҳир НОРИМОВ**

*Бугун гам, ташвишдан ўзингни орттир, Лолақ бир йилда бир кун иш ташла. Майда-чуйда гапни эртага қолдир, Кўнглинг билан бугун ярашиб яша. Бахоринг энг сўнги кунидир бугун, Ҳансираб турибди бўсагада ёз. Сен тоқай сапаларни ютаверасан? Ичингдан ҳам чиқсин бирор кун овоз. Аям айтардилар: "Ғам чекма болам, "Иш-иш", - деб ўзингни олдириб қўйма. Ёшлигу, соғлигинг қайтиб келмайди, Бу ҳаёт сажнага ҳаваас-ла бўйла". Ёшликни бой бердим, соғлигингни ҳам, Соқимга учқунлаб ёғаяпти қор. Мена тўрт фасл ҳам бўлавереди, Сеники ўғломим, бугунги баҳор.*

*Эрта баҳор. Ялғиз чигитдай, Бошчасини чиқарди кумдан. Қулоқлари капта отқулоқ, Ўғирлиб қаради бирдан. - Ким у, - деди бошқа отқулоқ, - Сассиқ ялғиз, - деди чимрилиб. Отқулоқнинг оёқ уйлари, Ялғизлини кўрсатди келиб. Кунлар ўтди, бўй чўзди ялғиз, Пастда қолиб кетди отқулоқ. "Мен ҳақимда ялғиз не дер", - деб, Кеча-кундуз тутайди қулоқ. Бир хушбўйи ариқини лаби, Ким ўтса бир баҳра олади. "Сассиқ", - деган ўша отқулоқ, Ҳижолатдан тутаб ёнади.*

**БАТАН**

*Ургутнинг тоғ этагида сойлар оқар шарқираб, Чинорлари баланд баланд, товланади ярқираб. Яқин-йироқ қишлоқлари кўп, ёр-ёр кўчиб юради, Эли аҳли, тўй-ҳашамни бирга баҳам кўради. Ҳаёт таъмин билш-билмай мен шу ерда тотганман, Онам мен, мен онамни шу айбдор тотаганман. Чиллак йўнаб қирларда қўзи-улоқ боқардим, Кечки пайтда мойчироқни гоҳо ўзим ёқардим. Ёз пайтлари тоғда туриб югурардим далага, Тамакиши отам экиб, мен қолардим балога. Йиллар ўтди, ўзга оро беришни ҳам ўргандим, Ёддан чиқмас бир Лайлига ошнқ Мажнун бўлганим. Икки энлик қоғоз келиб, йўлим кетди очилиб, Нон-насибам олис юртга ногҳо кетди сочилиб. Кейин Қариш, энди Тошкент, сайёҳ бўлиб юрибман, Қуёш чиқиб ботаверарди, қирқ баҳорни кўрибман. Ҳозир бироз тетикману, олдинги куч қаёқда, Бу кетишда ҳадемайни, юрсам керак таёқда. Бир кун "тўқ-тўқ" қилиб борсам, адир аҳли жам бўлса, Бир-бировнинг кўзимизда, соғинч номли нам бўлса. Борлигини бахи этардим шу мўътабар адирга, Токзор, гоҳо тамакизор тушларимга хиради, Қайда бўлмай болалигим шу айбдорда юради.*

Ўқтам ака ҳар галгидек эрталаб "Эски шаҳар" бозори худудида жойлашган дўкони эшигини очар экан, эшикка қистириб қўйилган конвертни қўриб ҳайрон қолди. Кўнгли алланечук безовталанди. Хатни очиб, қўлда майда қилиб ёзилган номага кўз югуртирди.

"Бизлар тожиклармиз. Ўз ҳаётинг, болаларинг ва турмуш ўртоғингнинг ҳаёти азиз бўлса, дўкондаги мол-мулкнинг ёниб кетишини хоҳламасанг, 500 АҚШ доллари берасан. Пулни ҳожатхона орқасидаги тунуканинг орқасига қўйиб кетасан. Агарда бу ҳақда бирор кишига айтсанг ўласан!". Ўқтам ака кўзларига ишонмай яна бир марта хатга тикилди. "Қизиқ, унинг ҳеч қандай душмани йўқ. Бировга қарз ҳам бергани йўқ, қарз ҳам олмаган. Ёр-дўстлари ичида тожиклар кўп. Аммо бирортаси билан сан-у манга борганлигини эслай олмайдими". Хатни гижимлаб, дўкон олдидаги ахлат соладиган кутига

сафар ҳам ички ишлар ходимлари Ўқтам акага сабрли бўлишни, ўзини қўлга олишни маслаҳат беришди ва милиция ходимларининг кўрсатмасига биноан у: "пул излаялман, эртага тушдан кейин пулни оласан", - деб хат ёзди-да, бу нома ни ҳам кечкурун эшикка қистириб, уйига қайтди. Шу куни Ўқтам ака эрталабгача безовталаниб, мижжа қоқмай чиқди. Эрталаб янги хатни эшикдан олар экан, қўллари асабийлашганидан сезилар-сезилмай қалтирар эди. Хатда йерик ҳарфлар билан "энди қўлдан қўйиб юривер" деб ёзилган эди. Дўконга қараб туришни укаси Уткирга буюрди-да, Ўқтам ака кеча кечкурун ички ишлар ходимлари томонидан берилган, селлофанга ўралган 200 АҚШ долларини келишилган жойга олиб бориб қўйди.

Наби Охмуродов шу куни туш вақти бўлишни сабрсизлик билан кутди. Ҳозирча, ҳамма иш силлик кетаётганидан ўзида йўқ хурсанд

Олмаҳон йўлга отланар экан, онаси қизига ташвишли назар ташлади.

- Бошқа куни борарсан, қизим. Негадир кўнглим ғаш.  
- Э, орқага суравериб нима қиламан, аяжон. Ишим тугамаса, Янгиободда Хаёт опаникида тунаб қоламан, - деди Олмаҳон она олдида ўзига оро берар экан.

Ўзини Саъдиев Вайдулло деб таништирган кимса шошилмай кўча муюлишидан бурилиб, кўздан ғойиб бўлди.

Олмаҳон бироз нима қилишни билмай турди-да, сўнг уйга кириб Хаёт опадан: "тезда уйга бориб келишим керак", - деб 3 минг сўм қарз олди. Хаёт опа унинг орқасидан "нима бўлди, тинчликми?" - деганича қола-

йиллашга тушди.  
- Бўлди, кўп қуйнаверма. Поччанг келсин-чи, бир нима ўйлаб топармиз.

Хаёт опа Олмаҳонни юз-қўлини ювиб олишга ундади.  
- Чой кўйдим. Уйда нон қолмабди. Мен нонга чиқиб келай. Қайнаса дамларсан.

Хаёт опа чиқиб кетгач, бироздан сўнг кўча эшиги тақиллади. У пайти Олмаҳон ўзини босиб олган, дастурхон ёзиб, чой дамлаб, Хаёт опани кутиб ўтирарди.

- Ким бо-ор?  
Олмаҳон эркак кишининг овозини эшитиб, деразадан қаради. Ховлининг ўртасида Вайдулло бир қўлида папкаси, бир қўлида бир шиша вино кўтариб, чайқалганича турарди. Олмаҳон ўзини панана олгунча, Вайдулло уни қўриб қолди. Бетакалуфларча уйга бостириб кирар экан, Олмаҳонни қўриб қолди.

- Пулни олиб келдингизми, жондан?

- Пулим йўқ дедим-ку, сизга!  
- Бўлмаса бир дам оламиз. Аввал қиттак-қиттак қилайлик. Вайдулло шишани оғзини очиб, пиёлаларга тўлдириб вино қўйди.

- Қани олинг!  
- Мен ичмайман.  
- Ичасанам, мен билан бирга бўласанам. Қамалгинг кел-

## Товламачи қўлга тушди

ташлаб юборди. Эшикни очиб,

дўконга кирди-да, яна кўнгли бўлмади хатни кутидан олди. Сўнг зудлик билан рафикасига кўнгирак қилди.

Шоира опа нонуштадан сўнг дастурхон устини йиғиштираётган пайти телефон жириглади. Эри Ўқтам ака экан. Унинг овози қалтирар, Шоира опадан тезда дўконга етиб келишини сўради.

- Дадаси, тинчликми?

Аммо жавоб ўрнига телефон гўшагидан қиска-қиска «ту-ту» лаган овоз эшитилди. Шоира опа кийимини тезда алмаштирди-да, дўконга қараб чопди. Етиб келганида Ўқтам ака бошини чангаллаганича ўтирар, акасининг илтимоси билан етиб келган қайн укаси Уткир ҳам шу ерда эди. Хотиннинг саволмуз назарига жавобан Ўқтам ака қўлидаги гижимлаган бир варақ қозонни узатди. Шоира опа хатни ўқиб чиқди-да.

- Ким? Нима учун? - деди.

- Билмайман. Энди нима қиламиз? - Ўқтам ака хотинига тикилди.

- Милицияга айтсакмикан?

- Бировга айтсанг ўлдирамиз деб ёзишибди-ку!

- Бўлмаса нима қиламиз, шунча пулни дарров қаердан топасиз!

Бироз тортишга, ички ишлар бошқармасига хабар беришга қарор қилишди. Ички ишлар ходимларининг маслаҳатига биноан Ўқтам Ҳамидов шу куни пул тўплаш учун 1-2 кун муҳлат сўраб хат ёзиб, дўкон эшигига кистириб қўйди, ўзи эса эҳтиёт чорасида оила аъзоларини узоқ қариндошларидан бириникига жўнатиб юборди. Эрталаб дўконга яқинлашар экан, узоқдан дўкон эшигига кистирилган хатга кўзи тушди. Иккинчи хат ҳам имзосиз бўлиб, ёзув бир хил эди. Бу сафар номаълум кимса Ўқтам ака, унинг турмуш ўртоғи ва фарзандлари шаънига нисбатан уятли ва қўпол сўзлар ёзган бўлиб, 500 АҚШ долларини зудлик билан топиб бериш талаб қилинган эди. Хатнинг ичида Ўқтам ака кеча ўзи ёзиб қолдирган хат ҳам бор эди. Бу

эди. Бугун қўлига 500 АҚШ доллари тегса, биратўла барча қарзларидан қутилади. Яна ўзига ҳам анча-мунча пул қолади. У бозор расталарини айланиб юрар экан, сотувчиларга зимдан тикилар, агар бу иш муваффақиятли тугаса, кейинги қурбонини ҳозирдан танлашга ҳаракат қилар эди. Ниҳоят қўл соатининг миллари иккинчи кўрсатди. Наби бозордаги озиқ-овқат маҳсулотларининг нархини сўрай-сўрай, бозорнинг бурчагида жойлашган ҳожатхонага яқинлашди. Атрофга бир бор аланглаб, ҳеч ким унга эътибор бераётганлигига амин бўлгач, ҳожатхона орқасига ўтди ва аввалдан кўз остига олиб қўйган тунукани кўтарди. Тунука тагида қизил селлофанга ўралган пулни қўриб, юраги ҳаприкди. Тезда селлофани очди-да, пулни санади. 200 АҚШ доллари экан. Наби пулнинг чўғи камлигини қўриб, сўкинди.

"Яна бир марта оғохлантириб хат ёзади, агар пулнинг қолганини бермаса, Ўқтамнинг дўконига ўт қўядими". Пуллари шимининг чунтагига солар экан, қаёқдандир, кўкқисдан пайдо бўлган милиция ходимлари, қўлини орқасига қайиришди...

Судда Охмуродов Наби миллия ўзбек эканлигини, "Эски шаҳар" университет бозорида тижоратчилар Л.Сайфидинов, Б.Хайруллаева, А.Хасановлардан озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб пулини бериш шарти билан олиб, уларни сотиб тирикчилик қилишини, аммо сотувдан тушган пуллари ўз вақтида эгаларига қайтармай катта миқдорда қарз бўлиб қолганлиги, қарзини қайтариш учун Ўқтам Ҳамидовдан қўриқтиб пул ундирмоқчи бўлганлигини баён этди. Н.Охмуродов ички ишлар ходимларининг тезкор ҳаракатлари тўғрисида ўз ниятини амалга ошира олмади.

Судку Наби Охмуродовга қилмишига яраша жазо тайинлади. Лекин у Ўқтам Ҳамидовни қўриқтиб, пул ундирмиш мақсадида хат ёзаётган пайти шу иши билан асрлар давомида қондош-қариндош бўлиб келган икки халқнинг ўртасига нифоқ қўйиши мумкинлигини ўйлаб кўрдимикин?!

## ҲОЖАТХОНА

### Қилмиш-қидирмиш

Янгиердан Жиззах вилоятининг Янгиобод тумани марказига етиб келганида кеч тушиб қолган эди. Олмаҳон тўғри онасининг қадрдон дугонаси Хаёт опаникига йўл олди. Хаёт опа Олмаҳонни қўриб қувониб кетди. Ҳолаҳвол сўрашгач, анчагача гаплашиб ўтиришди.  
- Ўғлимни ягона меросхўр қилиб расмийлаштиришим керак. Аям айтдилар. Эртага ҳокимиятга бераман. Ишим тугаса уйга қайтарман.

Эртаси куни Олмаҳон ҳокимият томон йўл олар экан, папка кўтарган салобатли бир киши уни тўхтатди.

- Бу ерликка ўхшамасиз, нима қилиб юрибсиз? - деди у таҳдид билан.

- Ҳокимиятда ишим бор эди, нима эди? - деди Олмаҳон ҳайрон бўлиб.

- Ҳужжатларинг борми?

- Бор. Мана.

Олмаҳон паспортини чиқариб кўрсатди. Нотариш кимса унинг паспортини, پاسпорти ичидаги ўғлининг тўғилганлик ҳақидаги гувоҳномасини диққат билан кўздан кечиргач, уларни қайтариб бермай, папкасига солиб қўйди.

- Паспортини қайтариб беринг.

Олмаҳон ажабланиб унга қаради.

- Бу ерга фоҳишалик учун келгансан. Мен органи одамман. Сен билан бошқа ерда гаплашамиз.

- Мен ҳеч нима қилганим йўқ-ку! Нима ҳаққингиз бор? Паспортини қайтариб беринг, деяман!

Олмаҳоннинг овози қалтирай бошлади.

- Бўпти, бўпти. 50 минг сўм берасан, ҳеч кимга айтмай ишини "босди-босди" қиламан-да, ҳужжатларингни қайтариб бераман.

- Менда бунча пул йўқ.

- Унда ўзингдан кўр.

Нотариш киши кескин бурилик, Баландчакер маркази томон юрди.

- Тўхтанг, майли, олиб келиб бераман. Фақат эртага сизни қаердан топаман. Олмаҳон юзларига оқиб тушаётган кўз ёшларига эътибор бермай, нотариш кимсанинг орқасидан юрди.

- Исми Вайдулло, фамилия Саъдиев. Қаерда турибсиз?

- Жарқинова Хаёт опаникида.

- Ўзим сизни топиб оламан.



верди.  
Олмаҳон шу кетганича тўғри дугонаси Гулчехранинг олдида борди. Унга бўлган воқеани тушунтиргач, 50 минг қарз сўради. Аммо Гулчехра унга 19 минг сўм топиб бера олди, холос.

Эртаси куни Олаҳон Саъдиев Вайдуллони топиш учун кўчага чиқар экан, унинг ўзи қаёқдандир пайдо бўлди.

- Яхшимсиз, Олмаҳон? Пулни олиб келдингизми? - деди у хунук қулиб.

- Мана.

Олмаҳон кармонидан 19 мингни чиқариб берди. Вайдулло пулни санаб чиқар экан, норози оҳангда афтини бужмайтирди.

- Кам-ку?! Қолганини қачон берасиз, яхши қиз?

- Жон ака, ҳужжатларини қайтариб беринг. Бошқа пулим йўқ, шуниям дугонамдан қарз олдим.

- Ўзингга нисбатан жинойиш очирилиши хоҳламасанг, қолган 31 мингни ҳам тезлат. Ушанда ҳужжатларингни қайтариб оласан.

Вайдулло "гап тамом" дегандек кескин бурилиб кетди. Олмаҳон бўшашиб Хаёт опаникига қайтиб кирар экан, ўзини тутта олмай хўнграб йиғлаб юборди.

- Нима бўлди? Икки кундан бери индамайсан?

Хаёт опа Олмаҳонни ичкарига етаклади.

Олмаҳон Хаёт опага бўлган воқеани айтиб берар экан: "Вайдулло деганларинг милисами, прокурорми?" - деб сўради.

- Э, унга бекор пул берибсан. Чакандлик Вайдулло ғирт апирист, мараз одам. Ўзи ҳеч жойда ишламайди, - Хаёт опа афсус дегандек бош чайқади.

- Энди нима қиламан? Опа ўша одам мени сўраб келса, йўқ деворинг. Фақат қандай қилиб ундан паспортини оламан?

Олмаҳон ўзини тутта олмай яна

маяпти-ку, тўғрими? - Вайдулло пиёлали бир кўтаришда бўшатди.

- Қани бу ёққа кел-чи! Вайдулло Олмаҳон томон юрар экан, у ўрнидан туриб, ўзини четга олди.

- Сиз мастсиз, уйингизга кетинг!

- Уйга?! Сен турганда-я?! Қани келақол. Майли, 31 минггиндан ҳам кечдим, - Вайдулло Олмаҳонга ташларан экан, унинг қаршилиқ кўрсатиши уни газаблантирди. Аёлининг юзига бир-икки мушт туширгач, қўйлак-лозимини йиртиб ташлади...

Хаёт опа нон олиб уйга қайтар экан, уйдан келаётган бақир-чақирни эшитиб, хонага отилиб кирди.

Вайдулло Хаёт опанинг бақирган овозини эшитиб, Олмаҳонни қўйиб юборди.

- Ифлос, кўппак. Оғзингдан қонинг келгур...

Хаёт опа Олмаҳоннинг туришига ёрдам берар экан, тинмай қарганарди. Вайдулло бўлса аранг шимини кийиб, бурчақда турган сим каравотга бориб ўтирди-да, икки-уч дақиқа ўтмай ухлаб қолди.

Хаёт опанинг шикоятига биноан етиб келган Баландчакер ички ишлар ходимлари Вайдулло Саъдиевни ҳамон ухлаб ётган ҳолда топишди.

Суд Саъдиев Вайдуллога нисбатан жазо тайин этишда қарамоғида 4 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, ўзи эса 3-гурух ногирони эканлигини инобатга олган бўлса-да, жиноятни гаразли ва паст ниятда, маст ҳолатда содир этганлигини оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, озолиқдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазо тайин этишини лозим топди.

**Наргис ҚОСИМОВА,**  
журналист,  
Жиззах шаҳри.



Кечаси билан майдалаб ёққан ёмғир тонгга яқин тинди. Дераза дарчаси очик турганиданми Мухтасар нам ҳидидан керишибгина уйғонди ва хибл очилиб қолган кўраги устига эринибгина кўрпани тортиди. Эри Шухратжон мана саккиз ойдан ошдики, Ўрисда иш қиладди. Заруратдан албатта. Йўқса, заводда техника хавфсизлиги бўйича муҳандис бўлиб бинойидек ишлаб юрган эди. Дастлаб машишни ўз вақтида ололмаганидан, шу эскигина шалдир-шулдур "Москвич"га бензин сололмай хуноби ошарди. Турри, уни ҳам тушуниш мумкин, ахир эр-хотин кўшқукиз бўлгани билан аёлнинг йўриғи бўлак. Мухтасарнинг ишлаб толгани рўзгорнинг майда-чўйдасига урвоқ бўлмайди.

Унинг устига Мухтасарнинг хомилдорлиги Шухратжонни жадалроқ иш қилишга ундади. Мухтасар заводда оддийгина хисобчи. Эри билан шу ерда танишиб, турмуш курган. Хомилдорлиги сабаб, таътилга чиқкани билан мана уч йилдирки болага андармон бўлиб ишдан қолган эди. Инқирозга учраган завод яна оёққа туриб, ишлаб бошлагач, хисобчилик оддий бўлгани билан керакли касб экан, Мухтасарни қайта ишга чақирди. Шу йиллари Шухратжон иштини ташлаб, ўзини бизнесга урди. Топди-йўқотди, топди-йўқотди. Ота-оналариям ўзи йиқилган бола йиғламайди қабилида индамашди.

Шухратжоннинг бизнеси юришмагач, аввалига уялиб-негиб, кун-кунора, онда-сонда қирақашлик қилиб кўрди, бўлмади. Таниш-билишлар учраса пул олишдан айманди, нотанишларига "бунча берасан", - дея олмади. Хуллас, машинини гаражга тикиб, уч-тўрт жўра бир ишбилармонга илиниб, Ўрисга кетди.

Мухтасар обёғини кроватдан пахта осилтириб хийла вақт ўтирди. Сўнг аста туриб, ёнидаги кроватчасида пихиллаб ухлаб ўтган қизчасига меҳри товланиб қаради. Устини ёпиб дахлиз деворига маҳкамланган кўловгичда юз-қўлини чайди. Муздакгина сувдан кўзлари тиниклашди. Қаддини сал тиклаб, кўловгич тепасидаги мўъжазгина кўзгуга қаради. Соҳларини турмаклаган бўлди. Кўча эшигини очиб ташқарига бошини чиқариб, беихтиёр уёқ-бўёққа аланглади.

Соҳир сахар соқинлигидан Мухтасарнинг дили яшнаб, уйлари олдидаги йўлакча бўйлаб чорража томон аста одимлай бошлади. Уйда ўраб юрадиган дуррачасини бошидан ечди. Енгилгина турмак-ланган узун қора соҳлари елкасига ёйилиб тушди.

Кимсасиз чорраҳанинг тўрт бурчагида хисобдан адашмай кўк, сарик, қизил нурларини

ёқиб-ўчириб турган светофор яқинида Мухтасар ёмғирдан ҳўл бўлган асфальт устидаги ранглар ўйинига қараб хайратланди. Асфальтдаги шиша синигидай сонсиз томчилар қизил рангдан денгиз юзи жимирлагандай ҳаракатга тушиб-тушмай, сарик нурдан ёқутиланади ва кўк нур тушиши билан қоронғу тун қўйнида олислаб кетади. Сўнг яна бошдан бошланади.

Оламда бу янглиғ фараҳбахш лахзалар борлигидан Мухтасарнинг юраги ҳаприкиб кетди. Ёшлиғида шёрлар ёзди, сувратлар чиқди. Биров билса, биров билмади. Эри адабиётга қизиқсаям, уни бу ишда рабатлан тирмади. Шу-шу хонаки шоир, хонаки рассом, хонаки танқидчи бўлиб қолаверди...

Мухтасарнинг чап томонидан светофор тагига "Тико" машинаси келиб тўхтади. Мухтасар орқасига қайрилиб, эшиги томон аста одимлай бошлади. "Тико"ям бурилиб, Мухтасарга ёнмаён юрди. Машинадан баланд пардада Огаҳийнинг мухаммаси янграпти.

**«Саводи зулфини кўргач, юмар Огаҳий тун деб кўз...»**

Мухтасар одимини тезлатмай, бир маромда бориб эшигини аста очди-да, ўзини ичкарига олди. «Қора сочини кўргач, Огаҳий тунмикан дея кўзини юмибди-я!» Мухтасарнинг юрагига андақ гулгула тушди. Кейин ҳеч нимага алаҳсимамай, хобхонага кирди. Аста дераза олдида борди. Йўл четида қорайиб турган "Тико"га қаради. Кўшиқ охирида бормоқда эди.

**«Кўнгул хайратда қолма, кўрмас они не учун деб кўз...»**

Вой-бўй!.. Кўз тегмасин деб муҳаббат тулудан исирик тутат, бошқаси бекор дейди-я! Вой-бўй!.. Мухтасар бу кўшиқни кўп эшитидади. Шухратжон бор, шу кўшиқ бор. Айниқса, кейинги кунлар...

Осмон юзи аста ёришиб, одам-одамини танийдиган вақтда "Тико" ўрнидан аста кўзғалиб, кўздан қониб бўлди. Бу ким бўлдиёқан? Буям Ўрусияга кетиб, беш-ўн доллар ишлаб келган "янги бойвачча"ларданмикан? Тўхта, тўхта... Балки вақтинча "бевалиги"дан воқиф бир "ишқ" кушандасидир. Балки хозир эри Шухрат ҳам ким билсин қайси маржанинг қўйида изғиб юрганикан?..

Мухтасар деразадан йўлга қараганча оғир уйлارга чўмди. Хозиргина шодликдан оламга сиймағи, қанот чиқариб хаёллар осмонига учмоққа шай турган қалби аста-секин маъусланиб, отабтган тонгнинг энди тунд, рангсизлигидан сиқила бошлади...

Мухтасар иш вақти яқинлашган, қизчасини кийинтириб ишга отланди. Йўл-йўлақай қизини боғчасига ташлаб ишга борди, кеч-курун яна боғчадан олиб, қайта қайтди. На боришда, на қайтишда бирор кимсаннинг унга эътибор қилиб қарамаганидан тонгдаги "Тико"ни унутди. Лекин эртасига тонг чоғи яна ўша "Тико" деразаси рўпарасида тўхтади. Ичидан ҳеч ким тушмади. Очик ойналаридан яна шу кечаги кўшиқ эшитилди. - **«Саводи зулфини кўргач...»**

Мухтасар ташқарига чиқмади. Ўзи авваллари ҳам ҳеч қиммаган ва умуман унга на ишда, на йўлда бирор одам бормисан дея суқлиниб қараганини эслолмайди. Хатто у шунга кўниқиб ҳам кетган эди. Баъзан-баъзан шад-додрок дугоналар бир-бирларига кўз қусишиб, гоҳ сирли, гоҳ овоз чиқариб мақтанлишганларида, Мухтасар ўзининг беъэтибор-

лигидан ҳижилланиб, "хиринг-хиринг"ларга жимгина қулоқ тутар, уларнинг, майли сал беандишароқ бўлсаюм шўх-шан суҳбатларига кўшилгиси келар, уларниям хайратланишларини истаб қолар эди. Мана шу кунларда мақтаниш мавриди келди. Бирок деразаси тагига ўша "Тико" келди дегунча юраги безиллайдиган бўлди. "Ҳаёсизнинг ҳар куни хайит", - деб ким ҳам айтган, аммо топиб айтган. Мухтасар эрига бевафоликни ҳар қанча тубанликдан тубанроқ кўрди. Лекин эр шу пайтгача юрагининг қуртини ўлдириб, бирон марта ҳол-аҳвол сўрагани йўқ! Фақат икки-уч ойда бир пул жўнатади. Одам ҳаёти фақат пул билан бе-

жонланиб кетди. Эртага қиладиган ишларини режалаштирди, ўроқ, кетмон, белни хозирлаб қўйди. Қишлоқдаги ўзининг иш услубидай, тонг отиб-отмай иш анжомларини кўтариб ташқарига, дераза тагигада гул жойига чиқди.

Мухтасарнинг икки кўзи йўлда, бироқ "Тико"дан дарак йўқ. Аммо, унинг келишини жонжонидан истаяпти, чунки кўёв ишчан, кўчадаги гулзорни бир-пасда саранжом-сарашта қилди. Худога шўкр, "Тико" кўшиқни варанглапти, муюлишдан бу томонга қайрилди. Аммо дераза тагига жон куйдириб ишлаётган йигитни кўрган захоти, кўшиқни пасайтириб, тўхтар-тўхтамаслигини бил-

- Вой! Шухрат ака! Ассалому алайкум! Биз яхшимиз, ўзингиз яхши юрибсизми?

- Дераза тагигада гул экилган жойда ким ишлади?

- Вой, сиз дарров қаёқдан эшита қолдингиз?

- Эшитаяпсанми, Мухтасар? Ким деяпман?!

- Ким бўларди, кўёвингиз-да, қишлоқдан чақиртирдим.

- Мен сенга кўёвингни кўрсатиб қўяман!..

Шухрат телефон гўшагини қўйди. Мухтасар не гап бўлганини англолмай, гарангсиз қолди. Қани энди у яна телефон қила қолса-ю, бир сўз билан тушунтирса. Йўқ, ҳеч қандай телефон кўнгируги бўлмади. Мухтасарнинг ороми бузилди. Ўзини қаерга қўйишини билмай зор қақшади. Қариндошжонлигини намоийш қиламан деб, балога қолмасайди...

Икки кундан кейин тонг саҳарда уйлари олдида тўхтаган машина сасидан уйғонди ва деразадан не кўз билан кўрсинки яна "Тико" қорайиб турибди. Унинг юқхонасидан бир одам юкларини туширяпти. Мухтасар халатини устига илганча чиқиб, дахлиз чирогини ёқди. Дарвозалари устидаги кўнгирук босим-босим жириглади. Мухтасар жун рўмолини бошига ташлаб, ташқари дарвозани очди.

- Вой! Шухрат ака! Ассалому алайкум! - Соч-соқолингизни ўсиб кетгани! Яхши келдингизми? Хуш келибсиз!

Шухратжон индамай юкларини ичкарига олди. Дахлизга кирганларидан кейин савол назари билан Мухтасарга синчков нигоҳ билан қаради.

- Хавотирланманг! Синглингиз Гуласал жиянингизни олиб, эри Собиржон, кўёвингиз билан келиб бир оқшом ётиб кетдилар. Барака топсин, кўёвимиз кўчадаги гулхонани чиройли қилиб ишлаб бериб кетди.

Шухратжоннинг кўзлари нуридан кетди. Хобхонага кириб соқингина ухлаб ётган қизчасини пешонасидан ўпди-да, ваннахонага ўтди. Мухтасар орқасидан эргашиб юрганча, ҳаяжонини босолмай гапирверди.

- Шу кунни телефон узалиб қолмаганида, батафсил тушунтирмоқчи эдим. Сиз қаёқдан эшита қолдингиз?

- Ёмон хабарнинг қаноти учқур дейишади. Бир жўрасини бу ёққа телефон қилган экан гап орасида "Шухрат қора терга боти у ёқда ишлайверсин, бу ёқда гулхонасидан айрилди", - дейишпти. Шу ҳаммасини ташлаб, олиб келавердим. Ўзимни қанча қийнамай, барибир сенга ишонардим, лекин жўраларнинг қочириклари жонимдан ўтиб кетди-да...

- Яна кетасизми?

- Йўқ, Фойдасиниям, зарариниям, барисининг падарига лаянат!

- Қандай яхши! Завод ишлаб кетди, сизни кўп сўрашди.

- Бир-икки кун нафасини ростлаб олай, бораман. Заводдан, сизлардан қўймасин!

Шухратжон Мухтасарнинг пешонасидан ўпиб, ваннахонага кириб кетди. У соқолини қиртишлаб, иссиқ ва совуқ сувлар жўмрагини охиригача очиб, ўзига мослади-да, душ тагига кирди. Катта босим билан иссиқгина сув тагига туриб, бор овози билан: "Э, роҳат деган нарсаям бир экан-роқ, бу ёғру дунёда!" дея хайкиргиси келди.

**Хикоя**

**МУХТАСАР**



занмайди-ку! Кейинги ойларда кўнгирук ҳам қилмай қўйди. Ё бирови билан топишиб... Дарвоқе, пули тўланмаганидан телефон ҳам ишламапти. Бугуноқ қарзни тўлаб, телефонни ишлатиш керак.

У йўл четида қилт ётмай турган "Тико"га қараб-қараб, тонгни оттирди. Кундузи яна шу аҳвол - унинг билан ҳеч кимнинг иши бўлмади. Эртасига тагин дераза тагига "Тико" - "Саводи зулфини кўргач..." Лекин қарз тўлаиб, ишлаб кетган телефон жим, эридан дарак йўқ. Ўзи қаерга кўнгирук қилишини билгандаку, олам гулистон эди, афсус, билмайди.

Мухтасар ўйлаб-ўйлаб, ажойиб бир қарорга келди. Заводда кадрлар бўлимида ишлайдиган йигит билан қишлоққа, қийинчилигига хабар юборди. Кучёви билан келиб, бир-икки кун меҳмон бўлиб кетишсин, дейди. Қайинчилиги эри билан жўжиқини етаклаб эртагаёқ етиб келади.

Худди ўйлаганидай меҳмонлар тўлиб-тошиб, боғларидан насилбаларинг деб, икки тугунда олма-узум, анор, дехқончиликдан ушур, қавсан деб, бир қонда пивёз, бир қонда бартошқа кўтариб келишди. Уйлари бирдан кенгайиб, нуридан кетганидан Мухтасарнинг кўзлари ёқтиланди, юраги ҳаприкиб, тўлқинланиб кетди. Ярим кечагача қайинчилиг билан суҳбатлари адо бўлмади. Бирок "Тико" ҳақида оғиз очмади, фақат кўёвдан дераза тагигадаги мўъжазгина гул жойини тартибга солиб беришсини илтимос қилди. Мухтасар билади, кўёв дехқон боласи, ерни сайратади.

Кўёв кеннойининг бу гапидан

май, аста тезликини ошириб, жўнаб қолди. Шу кунни кечкурун, қишлоқда экин-тикинлар кутиб турмаслигини пеш қилиб, меҳмонлар жўнаб кетишди...

Шухратжон беш йил институтда ўқиб, муҳандислик дипломи билан жой қурадиган усталарга лойқориб,

гишт узатадиган қора ишчилигидан, бу олис юртларда чарчаб ит ётиш мирза туришдан эзалиб юрган кунлари, қаймоққина ўрис қизи билан танишди, лекин қовушмоқ онлари ҳадеганда насиб этавермади.

Шухратжон шу кунлари фаройиб бир туш қолди. Эмишки, танишган қизи шундоққина малла соҳларини ёйиб қўйиғига кирибди. У қизнинг бўйни тагидан қўлини ўтказиб, энди чеккасини чеккасига теккизмаман деганида, узоқ йили вафот этган бобоси, оқ эшак миниб, бир оқ отни етаклаб, устига келади. "Туринг ўғлим, мана отга мининг, бу сизники", - дейди-ю кўздан қониб бўлади. Шу пайт уни шериклари туртиб уйғотишди.

Шухратжон туш таъсирида икки-уч кунгача қўли ишга бормай, фаромуш юрганида ёнида бетон қорайтган жўраси овозини кўтариб, уйига кўнгирук қилгани Шухратжонларнинг эшиги олдида гул жойида кимдир ишлаб юрганини айтиб қолади. Бари ишчилар Шухратжонга маъноли жилмайиб қарашади. Бу қарашлардан унинг вужуди жунбушга келиб «кетаман»га тушди.

Мухтасар мана неча тонг хушвақт уйғонади. Ва эринмасдан, ўзигағам эриш туюлаётган ним табассум билан деразадан қарайди. "Тико" келадими, йўқми? Йўқ, тонг ёришади ҳамки, ундан дарак бўлмайди. "Худога шўкр, кутулдим", дея ўзини юпатади кейин у. Ҳар қалай майда-чўйда гаплардан ҳоли юрганим маъқул-да, дейди ўзига. Аммо, гапнинг каттаси кечкурун телефонда бўлди.

- Алло! Яхшимисан?! Гули яхшими?

Ушбу қалб галаёнини ёзишга дил эгасининг кўз ёшлари сабаб бўлди. Оила эгаси вафотидан сўнг уқалар тарбияси аканинг зиммасида қолди. Икки сингилни ўй-жойли қилиш, уларни элдан кам қилмасдан узатиш ва энг асосийси оталигини вожиб қилиш учун ака бор оғирликни елкасига олди. Аввалига ўз инжиқликларини фақат эрига кўрсатган келин энди қайнона, қайсингилларга ҳам муомаласини ўзгартирди. "Оиламизнинг ризқига шерик бўлаясизлар, аравангизни ўзингиз тортинг" - деган тигли гаплари билан уларнинг дилига озор етказди. Кейинчалик эса турли хил зиёфатлар иштирокчисига айланди. Кўза кунда синади дейишганидек, унинг қилмишлари ошкор бўлиб қолди. Хуфёна учрашувлар эрининг қулоғига етиб борганини, эри уни пайт пойлаб кўлга туширганда англади. Лекин, фишт қолипдан кўчган эди.

Хуллас, хиёнат аталмиш оғир юк бир азамат йигитнинг қадини букди. Эл орасида қўли енгил шифокор сифатида танилган инсоннинг тақдирига тугун тушди.

У аёлларга ишонмай кўйди. Бу орада аканинг 2-синглиси ўқишга киришга отланди. Эшиқдан кириб келган синглисидан бир ёш катта ҳамқишлоқ кизини сирли боқиши йигитни лол қолдирди. Онани кўндириш осон бўлмади. «Киз ўқиб қаерга борарди? Уқиган келин нима қилди ахир?» - дея рўйхушлик бермади. Меҳрибон ака яна орага тушди. Иккала кизини олиб Тошкентга йўл олди. Ўзи ўқиган институтдаги домлаларига учрашиб, ҳужжатларни топширди. Бу ўз йўлига эди-ю, лекин сирли боқишлар, сукутлар йигитнинг қалбига гулгула солиб қўйди. Иккинчи бор хабар олишга борганда, синглиси қатори у кизнинг "соғиниб" қолганини эшитиб, қалбида ширин тугён пайдо бўлди. Энди иккаласи учун ҳам баравар югуришга тушди. Кейинги гал борганда улар талабалик номини олишган, ҳамма хурсанд эди. Бу орада синглиси дугонасининг ақли, меҳрибон эканлигини қайта-қайта ўқтирар: "Қани эди бизнинг оилага ҳам шундай келин келса",- дея ҳавас қиларди.

Ака ўйлай-ўйлай сирли боқишлар эгасига дилидаги изҳорини билдирмоқчи бўлди. 8-март арафасида иккаласига ҳам бир хил совға олиб, яна Тошкентга йўл олди. Уларни қўтлаб, кинога таклиф этди. Сингил пайт пойлаб, акасига дугонасини кўшиб жўнатди. Улар йўлда гул дўконига дуч келишаркан, йигит кизга чиройли гуллар совға қилди. Киз эса: "Бу менинг ҳаётимнинг сўнгигача сакланувчи эсдалик",- дея гулларни

кўксига босди. Хуллас, икки дил розилиги онани ҳам қувонтирди. Бу орада ишхонадаги кексароқ аёлнинг: "Укажон, боғни-ку яхшилаб парваришляяпсиз, лекин мевасидан бошқалар татиб кетмасин",- деган илмоқли гапига: "Кўрқманг, ёнида қоровули бор боғнинг",- дея жавоб берганди. Бироқ ўзининг бу безъатиборлиги қимматга тушишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Орадан 5 йил ўтди. Онаизор, ке-

қолаверса, она қалбининг эзилиб йиғлашидан адо бўлди. Шу кун тўй белгиланди. Сингил акасининг олдида гуноҳхорона бош эгиб ўтирарди. Акасининг: "Нима учун бундай қилдинг, айбим нима эди? Сенга нима ёмонлик қилгандим?,- деган саволига: "Агар унинг хиёнатини сизга айтганимда менинг ҳам сирим фоти бўларди. Мени ўқитмас эдингиз",- дея жавоб берди. Дугонасининг тўйидан сўнг бир ҳафта ўтиб, сингилнинг тўйини ўтказди.

Келинни чимилдикда кўраркан: "Ишқилиб сен боламга хиёнат қилмагин-да",- дея кўнглидан ўтказди онаизор.

Кўёв ишхонага келиб, навбатчилиги эсига тушиб уйига қўнғироқ қилди. "Бегим, сизни кўтаман",- дея янграган овоз қулоғида жаранглайверди. Тунги навбатчиликда қолганида соат 7 ларда хонасининг эшиги олдида тугунча кўтарган аёли уни йўқларди. Ширин сўзга маҳтал кўнгли тоғдек ўсди. Хуллас, энди у ҳам бахтли бўлишга ҳаққи борлигини сездди. Барчасини унутушга ҳаракат қилди, онасини хурсанд қилиш учун, оиласини бекам-кўст қилишга интилди. Фақат бир нарса уни безовта қиларди. "Кўнгли яқин бўлсин",- деган сингил бир йилдан буён келмас, ахён-ахёнда кўнғироқ қиларди.

- Ишлаяспани ўзи? - деган саволга эса: "Йўқ",- деб жавоб берарди синглиси.

Орадан бир йил ўтди. Ҳамма ҳаёт қувончлари-ю, ташвишлари билан банд. Ака 36 ёшида бағрига ўғил босди. Кўзларидан севинч ёшлари оқди. Ўша кун тунги навбатчилик оғир бўлди. Иккита оғир операция қилган акани тонгда уйку элитди. Сесканиб уйғонаркан, чап кўкрагида кучли оғрик сездди. Бир донда таблетка ичди-ю, ишга шўнғиди. Иш вақти тугаб, уйга йўл олди. Эшиқда қўлида неварасини кўтарган онаси кўринди. Ака ўғлини кўтармоқчи бўлиб интилди-ю, кўксини чаңгаллаб ерга ўтириб қолди. Қайта туролмади. Дарров ўзи ишлаётган касалхонага олиб боришди.

Дўхтирлар елиб-югуришди, самимий дўст учун ҳаракат қилишди. Аканинг кўз олдида синглиси келди ва уни сўради, "телефон қилдик ҳозир етиб келади",- дейишди.

У иссиқ бармоқлари билан юзларини силаётган хотинининг меҳрли кўзларидан ёғилаётган нурга тўймасди. Онаизорини йиғлатаётганидан эзилиб-эзилиб ёш тўла киприklarини бир юмди-ю, қайтиб очмади...

- Эшиқни очинглар, бир кўрай акажонимни... Очинглар! Узок йўллар курсин, акажон, сўзингизга зор бўлдим-а, жон акажон, - дея ҳаммани йиғлатди.

-Уни ювишяпти, кечикдинг,- деди катта ёшли кишилардан бири.

Сингил бошига муштраб, "дод" солиб йиғларди. Афсус!.. У шунча меҳр кўрсатган акасининг совуқ дийдорини кўришга ҳам кечикканди... Ўзининг гуноҳлари-ю, дугонасининг хиёнаткорлиги меҳрибонни дунёдан бевақт кетишига сабаб бўлганини кеч англаганди...

**Дилбар НОРМУРОВА,**  
**Термиз шаҳри.**

**Турмуш сабоқлари**



**КЕЧ ИКИШ**

лин олиш пайига тушди. У кизнинг эшигини супурди... Улар эса яна озгина кутишини, ўқиши тугагач тўй бўлишини билдирди.

Яна кутиш... Сингил эса: "Шунчасига чидадингиз, яна озгина чидаб беринг, акажон!" дея ялинди. Лекин нозли боқишлар асирини бунга бир сесканиб қаради.

Кутиш ҳам ниҳоясига етди. Бир кунда, бир пайтда иккала ҳамқишлоқ кизларнинг эшигини бегона аёллар тақиллатиб кириб келишди. Кизларга совчилар келганини эшитиб, навбатчиликдаги шифокор руҳсиз ўтириб қолди. Наҳот, шунча йиллар давомидаги кутишлар, сабр-тоқат, елиб-югуришлар, энг асосийси юрак тўридан жой олган соҳиба бировга кўнгли берган бўлса? Уйга қай аҳволда борганини, нималар бўлаётганига тушунмай, ерга кўкрагини бериб ётди. Келган совчилар эса: "Иш пишганини, агар беришмаса ўзи кириб боришига мажбур бўлади",- деган гапдан сўнг она рози бўлди. Эшиқдан кирган ўғилга эса: "Сенга айтгандим-а, ўқитма",- дея бир қараб қўйди.

Сингил ҳам, дугона ҳам: "Бермасаларинг бир умр тоқ ўтамиз",- дея туриб олишди.

Аканинг сочи бир кунда оппоқ бўлди. Бирданига икки хиёнатдан,

бўлса бўлди",-дея жавоб берди пинагини бузмай.

Тўй... Кудаларнинг олдида, элу юртнинг олдида сир бой бермай ёруғ юз билан юриш керак. Мана, оппоқ либосда нурга тўлиб келин чўкди. Акасининг оёғи остига тиз чўкди. Ота ўрнидаги ака оқ фотиҳа берди. Она, бечора тинимсиз йиғлар, келин-куёв эса хурсанд эди. Уни машинага миндиришяётганда ака юрагининг яна бир жойи узилганини ҳис этди. Нимадир «чирс» этди, у ўтириб қолди. Ёнида турган киши йигитга сув ичирди. Унинг ичи ёнарди, ичи куярди. Ҳовли бўм-бўш. Одамлар тарқалган. Йигит яна узала чўзилди. Она эса йиғлайвериб адои тамом бўлди. Орадан бир ҳафта ўтиб ўғлининг кўнглига қўл солди: "Ўғлим юраверасанми, мен ҳам қариб қолдим, биронтасини топгин, кўзимнинг тириклигида уйлантирай",- деди: "Энажон, сиз нима десангиз шу-да",-она кўнглини кўтармоқчи бўлди ўғил, ўзга чораси ҳам йўқ эди.

Нариги қишлоқдан "бир қари киз бор" дея хабар келтиришди. Йигит индамади. "Сукут-аломати ризи", - дея нон ушатилди. Тўй бошланди. Елиб-югуриб дўстлар, оғайнилар иштирокида тўй бўлди.

Эрим билан турмуш қурганимизга 18 йил тўлди. Уч фарзандли бўлдик. Ҳаммаси ўғил, улар ейдиган, киядиган ёшда. Болалар ҳар кун тенгкурлари кийган кийимга ҳавас қилиб келишади-да, ўзларига ҳам ана шунча кийим олиб беришимизни бот-бот таъкидлашади. Қўшнимиз янги, кўркам дарвоза қурган эди, катта ўғлим дадасига шундай деди:

- Биз ҳам дарвозани янгилайлик, дада?
- Кераги йўқ, устидан бўёқ юрғазиб кўйсак, янгидай бўлиб қолади, - жавоб қилди дадаси.
- Бўяйдиган ҳолати ҳам қолмабди-да. Қўшнимизнинг дарвозаси олдида жуда хунук кўриняпти.

- Очиб-ёпиб туришга яраса бўлди-да, нима унинг чиройига ош қўйиб ичармидинг?

**НОШУД**

Шундай дея, дадаси ухлагани уйга кириб кетди. Эрталабдан буён тайинли иш қилгани ҳам йўқ. Саккиз боғ похолни болалар билан томга олиб қўйишди, вассалом. Киши билан мана шунча қалта-култа ишлар билан шуғулланиб юраверади. Гапга ҳам қўшилиб олган.

Дадасининг ҳайратсизлигига ҳатто болаларнинг ҳам зардаси қайнаб кетди. Тўрт мучали соғ одам ҳовлида сандираглаб юраверса, рўзгорни учма-

уч юритавериш ҳам жонга тегиб кетар экан. Ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди, дейишади-ку.

Ҳовлида чала ишлар қалашиб ётибди. Бизнинг хужайин бўлса, печканинг ёнига ёнбошлаб ухляяптилар. Ўзим мактабда ишлайман. Шу ҳовлига келин бўлиб тушган дастлабки йилларимда, хужайинимни ғайратга миндираман деб қўлламаган тадбирини қолмади. Одамнинг юрагига бермаса қийин экан. Ун саккиз йил ичида касбини тўрт

марта ўзгартирди. Аввалига қурилишда ишлаб кўрди. Бу касб ёқмай, мактабда қоровуллик қила бошлади. Кунларнинг биринида ўзи ухлаб ётган қоровулхона ёниб кетиб, зўрға омон қолди. Бу ишдан ҳайдалиб, сув ҳўжалигига ишга кирди. У ерда ҳам шериклари билан ароқ ичишиб, насосни назоратсиз қолдиришиб ишдан чиқаришди. Жарима тўлашиб, зўрға қутулишди.

Ана шундан кейин ижарачиликка қўл урди. Бу касб ҳам ёмон касб эмас, лекин буларкетар тўртта ишласа, барака топи бўлмайди-да.

Неча марта хуноб бўлиб кетганимдан отамникига бориб олдим. Болаларни отасиз ўстирмай деб, тўйиб кетсам ҳам тиш-

ни тишга қўйиб яшапман. Эрак саргайрат бўлмаса хотиниям тез қаритиб кўяр экан. Одамлар мендан тўрт ёш катта опамни, менинг синглим бўлса керак, деб ўйлашаркан.

Менку майли, қирқ ёшдаман. Ўғилларимнинг орзулари рўёбга чиқиб чикмай яшаётганидан ўқсинаман. Мен бу хатни шунинг учун ёздим-ки, болага ёшлигидан меҳнатсеварликни тарбиялаш керак экан. Бунда ота-онанинг ибрати жуда-жуда зарурлигини тушундим.

Бошқаларга айтадиган гапим шуки, қиз узатсангиз, албатта удли-шудли йигитга узатинглар.

**Хулқарой Жалакудук тумани.**

## ДАЗМОЛНИ ҚАНДАЙ ИШЛАТИШ КЕРАК?

Хар қандай кийимни тез ва яхши дазмоллаш учун, албатта у қандай матодан тикилганига эътибор беринг ва бизнинг маслаҳатимиздан фойдаланинг.

● Шим қирраси узоқ сақланиб турсин десангиз, сирка аралаштирилган сувга латтани ҳўллаб, қуригунча дазмолланг, кейин қалин, нам қоғоз билан устидан яна бир бор юргизиб юборинг. Шимни дазмоллашдан олдин қиррасини қуруқ совун билан ҳам суртиб чиқсангиз бўлади.

● Либосингизга гул тикилган бўлса, юмшоқ чойшабга қўйиб, тескари томонидан дазмолланг. Агар дазмолингиз оғир бўлса, қўйлак гулларини бўртиб чиқаради.

● Кимхоб матоли буюмларни илиқ дазмолда тескарисидан қилиб дазмолланг. Унг томони туқларини юмшоқ чўтка билан ишқалаб юборинг.

● Жунли буюмларни нам латтада тескарисидан 165°C-190°C ҳароратда дазмоллаган маъқул.

● Жунли ва жун трикотажларни дазмоллашнинг яна бир

усули бор: либосни қайноқ сув солинган тоғора тепасига илгичда осиб қўйинг. Сувдан кўтарилган буг кийимингизни дазмолдек текислаб қўяди.

● Пахта ва зигирпоясидан тайёрланган либосни сал намлигида дазмоллаган маъқул. Пахта учун дазмол ҳарорати 190-210°C,



зигирпоя учун 210-230°C бўлиши керак. Бундай матоларни ўнгидан ҳам, тескарисидан ҳам дазмолласа бўлади.

● Крахмалланган буюмлар намлигида дазмолланади. Дазмол унча иссиқ бўлмаслиги керак - 150°Cдан ошмасин.

● Вискоза сунъий толасидан тайёрланган буюмлар фақат

қуруқ ҳолда 115-140°C ҳароратдан ошмаган иссиқликда дазмолланади: таркибида ацетат бўлган матоларда доғ пайдо бўлиб қолмасин десангиз, ҳарорати 120°Cдан ошмаган ҳолда дазмол қилинг.

● Табиий шойидан тикилган либослар сал намланиб дазмолланади. Нурсиз шойи (тескарисидан ялтирайдиган) ўнг томонидан дазмол урилади. Иссиқлик даражасини 140-165°Cдан ошириб юборманг.

● Агарда ипакли буюм дазмоллаш олтидан жуда қуриб кетган бўлса, сув пуркамай, бугда бироз ушлаб туринг.

● Шойи газлама устида гижимлар пайдо бўлган бўлса, унинг тескари томонини (2-3)% сирка билан намлаб олинг ва дазмоллашда ҳам тескари ҳолатда бўлин.

● Либосингиз тўр қўшиб тикилган бўлса, уни бир неча қават қилиб тахланган юмшоқ чойшаб устида оқ мато қўйиб, унча исиб кетмаган дазмолда дазмолланг.

## Ўзингиз ва уй



## Рўзворингиз учун

Аёл борки, модага қизиқади, яқинлашаётган мавсум қандай кийиниб - безанишни тавсия этаётганини билиш учун, албатта модалар журналин ва рақлайди.

● Агар елкангиз қисқа, ёнбошингиз кенг бўлса, паства қараб кенгайиб борган либосни танланг. Бели кенг блузка, свитерлар ҳам сиз учун, лекин шим кийишингизни маслаҳат бермаймиз.

● Елкаси кенг, кўкраги бўлик, бел ва белдан паст қисми аксинча, тўлик бўлмаса, бундай қоматга тўғри бичимдаги юбка, узун костюм ва шим ярашади.

● Икки хил матодан қўшиб тикилган костюм ҳам мос келади, лекин туқлари хурпайган свитер ва кенг костюм тўғри келмайди.

● Кўкрак бўлик, ёнбош кенг, бел хипча бўлса-чи? Бундай белга камар тақиш-катта ҳафодир. Яхшири ярим ёпишиб турадиган қўйлак ва костюм белни меъёрида кўрсатиб туради.

● Костюм ва қўйлак елкаларига ихчам юмшоқ ёстиқчалар қўйиш керак. Бу қоматни расо қилиб кўрсатади.

Аслида жундан бўлган кийимларни кимёвий тозаловчи корхонага берган яхши. Лекин, бунга имкониятингиз бўлмаса, ўзингиз юмқочи бўлсангиз бу ишга алоҳида эътибор билан ёндошиш керак бўлади. Чунки

## Жундан бўлган кийимлар қандай ювилади?

жундан бўлган кийимлар нотўғри ювилишдан, нотўғри қуритилишдан кўринишини тез йўқотиб, кераксиз буюмга айланиб қолиши мумкин. Энг аввало тоғорага солган сувнинг иссиқлик даражаси 28°C дан ошмаслиги керак. Сўнг махсус жунли кийимларни ювиш учун мавжуд бўлган кир ювиш воситасидан (порошокдан) фойдаланасиз. Кир ювиш воситасини 28°C га яқин сувга солиб яхшилаб аралаштирасиз-да кейин жун кийимингизни солиб ювишни бошлайсиз. Бунда эҳтиёткорлик билан, оҳиста тортмасдан, чўзмасдан қафтларингиз орасига олиб ишқалайсиз. Агар бир марта ювганингизда

тоза бўлмаса, иккинчи марта ҳам шундай тарзда ювасиз. Тоғорадан олаётганингизда бураб, сикмайсиз. Аксинча қафтларингиз орасига олиб, оҳиста сувларини сал-сал силкиб туширасиз. Сўнг тоза сувда ёки озроқ сирка қўшилган (1-2 қошиқ сувнинг миқдорига қараб) сувда чайиб ола-

сиз. Пахмоқ сочқ ёки чойшабга ўраб сувини оҳиста сикчи оласиз. Қуритиш учун стол устига ёки текис жойга пахмоқ сочқ ёки чойшабни тўшаб, устига кийимингизни текислаб ёйиб қўясиз. Жун кийимларни қўёшда, ёки иссиқлик ёнига осиб қурийтиб бўлмайди. Чўзилиб кетиб, шакли бузилиб асл кўринишини йўқотади. Шунингдек, қуригандан сўнг ҳам кийим шафларига, кийим оскинларда осиб қўйиш мумкин эмас. Қуригандан сўнг тахлаб шафга қўйишингиз мумкин. Юқоридагиларга амал қилсангиз, жун кийимларингиз сизга узоқ вақт хизмат қилиши мумкинлигини унутманг.

## ЛИБОСНИ КИЙГАНДА КҮР...

Аёл борки, модага қизиқади, яқинлашаётган мавсум қандай кийиниб - безанишни тавсия этаётганини билиш учун, албатта модалар журналин ва рақлайди.

● Агар елкангиз қисқа, ёнбошингиз кенг бўлса, паства қараб кенгайиб борган либосни танланг. Бели кенг блузка, свитерлар ҳам сиз учун, лекин шим кийишингизни маслаҳат бермаймиз.

● Елкаси кенг, кўкраги бўлик, бел ва белдан паст қисми аксинча, тўлик бўлмаса, бундай қоматга тўғри бичимдаги юбка, узун костюм ва шим ярашади.

● Икки хил матодан қўшиб тикилган костюм ҳам мос келади, лекин туқлари хурпайган свитер ва кенг костюм тўғри келмайди.

● Кўкрак бўлик, ёнбош кенг, бел хипча бўлса-чи? Бундай белга камар тақиш-катта ҳафодир. Яхшири ярим ёпишиб турадиган қўйлак ва костюм белни меъёрида кўрсатиб туради.

● Костюм ва қўйлак елкаларига ихчам юмшоқ ёстиқчалар қўйиш керак. Бу қоматни расо қилиб кўрсатади.

## ЭНГ НОЗИК КИЙИМ

Колготка харид қилаётганингизда аввал унинг қандай тайёрланганига таркибига қаранг. Таркибида қанча лайкра кўп бўлса, шунча яхши. Бу олий сифатга кафолат беради. У қанчалик пишиқ тўқилган бўлса, шунча чидамли бўлади. Айнан ҳозир ана шундай зич тўқилган колготкалар урфда бўлиб, у сизга салкам ярим йил хизмат қилади.

Энди колготканинг чокларига эътибор берамиз. Ясси чокларга диққат билан қаранг, чунки улар дарров кўзга ташлана қолмайди. Танлаган колготканингизнинг тепа қисмидаги резина ўтган чоклар ҳам сезилар-сезилмас бўлиши керак.

Лекин, уни кийганда эҳтиёт бўлинг: оёқларингиз ораста бўлиши шарт! Агар оёқла-

рингиз бежирим ва тўғри бўлса, йул-йул колготка жуда ярашади.

● Колготкани эҳтиётлаш сирлари:

● Агар улар сизга узоқ хизмат қилсин десангиз... музлатгичда бир кун сақланг.

● Кир ювиш қукуни, совун ёки шампун билан илиқ сувда ювинг.

● Яхшилаб чайғач, сикманг ва гижимланг - туқли сочққа ўранг ва сувини шимдириб қуритинг.

## ГИЛАМДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАСИ

Дахлизларга, эшик тағларига тўшаладиган гиламлар кўп босилади, ишқалади. Шунинг учун уларнинг кўп босиладиган жойларига махсус қалин матодан тайёрланган тўшама ташлангани маъқул. Агар гиламнинг бурчаги, ўрта қисми оёқ тегавериби қайрилса, буралса, орқа томонидан чўнтаксимон астар тикиб, унга тунука тахта тикиб қўйиш керак, бу - гиламда йиғиладиган электр зарядларини ҳам камайтиради ва гиламнинг қайрилмаслигини таъминлайди. Кўп босиладиган гилам остига юмшоқ мато ташлаш керак ёки гиламнинг ҳолатини ўзгартириб, алмаштириб тўшаб туриш лозим.

Гилам тўшашдан олдин пол кир ва чангдан яхшилаб тозаланади, ювилади, қурилади. Пол текис бўлиши, тўшалган гиламнинг бирор жойи букилмаслиги, салқи бўлмаслиги керак. Ҳафтада бир марта сунпирги ёки чангютгичда тозаланади. Бунда қаттиқ чўтка ишлатмаслик керак. Гиламнинг пастига тескари томондан супуриш ва тозалаш тавсия этилмайди. Чангини қоқиш учун новдадан тўқилган махсус чанг қоқгичдан, юмшоқ сунпурги ва шунга ўхшашлардан фойдаланилади. Гиламни кийим қуритилагани дорга

ташлаб ёки осиб қўйиб қоқиш мураккаб мумкин эмас - бунда гиламнинг арқоқ иплари шикастанлади ва гилам тўзий бошлайди. Гиламни патли томонини ерга қаратиб тўшаб, қишда қор устида секин қоқиб тозалаган яхши. Гилам қоқишда тез эгилувчан новда ишлатиш тавсия қилинади.

Жундан тўқилган гиламларни қуя ва гилам кўнгизи ейти. (Лекин яшил рангли гиламлар бундан мустасно. Сабаби, яшил рангдан бундай ҳашаротлар қочади).

Қуя ва гилам кўнгизи чанг, тўзон ва зах жойларда тухум қўяди. Бу тухумдан чиққан қурт (личинкалар) 12 ойга яқин яшаб, қўлайиши мумкин. Шунинг учун жун гиламларни ёз пайтида тозалаб, офтобда қурийтиб туриш лозим. Ёки тозалаб, қурийтиб ўраб қўйган яхши. Бунда нафталин сепиш ёки ўрамлари ичига нафталин солинган халтачаларни ташлаш лозим. Ўраганда ҳам текис ва сиқиб ўраш, илож бўлса ёғоч атрофига ўраш керак. Устидан газета ўраб, полиэтилен ниқобга солиб қўйиш мумкин. Синтетик толалардан тўқилган гиламларни тозалаш осон. Кир ювиш воситаси билан чўткани ишлатиб ювиш мумкин. Чангюткич ёрдамида ҳам осон тозаланади. Кир ва доғлари ҳам қуримай туриб артилса ёки ювилса тез кетади. Қотган кир ва доғларини химиявий усуллар билан тозалаш мумкин.

Ўғлим эндигина 2-синфга ўтди. Компьютер олиб беринг деб харҳаша қилаяпти. Дадаси олиб бермоқчи, мен эса норозиман. Кўчага чиқмай ўйинга овора бўлиб ва уйдаги ишларга ҳам қўлини урмай ўтираверса, фойдадан кўра зарари кўп бўлади-ку. Нима қилай?

АЗИЗА  
Тошкент шаҳри,



## ЁШ БОЛАГА КОМПЬЮТЕР КЕРАКМИ?

7-8 ёшдаги болалар айниқса, ўғил болалар техникага жуда қизиқиш билан қарайдилар. Компьютер уларга жуда асқотади. Интернетга кириб, ўзларини қизиқтирган барча маълумотларни ола билдилар. Янги-янги ўйинларни ўйнаш жараёнида ҳозиржавоблиги, тезлиги, ҳушёрлиги ортади. Лекин, ўйинга берилиб кетиб узоқ муддат компьютер олдида ўтириб, бир нуқтага тикилавериш паришонхотирлик, жаҳлдорлик, бош оғриши каби иллатларни келтириб чиқаради. Дарс ҳам четга сурилиб қолишдан ташқари бола табиатдан, атрофидаги яқинларидан, тенгқурларидан ажралиб қола бошлайди. Шунинг учун фарзандингизга компьютер олиб беришдан олдин ун-

дан фойдаланиш қоидалари билан яхшилаб танишиш тавсия этилади. Қаерга ўрнатиш тартиби, ёруғлик тушиши ва энг асосийси ким қанча вақт компьютерда ишлаши ёки ўйнаши кераклигини билиб, шу тартиб-қоидага қатъий риоя қилиши керак.

Масалан, 7-8 ёшли бола кунига 30-40 дақиқадан ортиқ, 9-11 ёшли бола эса бир ярим соатдан ортиқ компьютерда шуғулланмаслиги керак. Компьютердан барча тартиб-қоидаларига риоя қилган ҳолда аста-секин ўқув дастурларини ўзлаштириб боришга мослаб, ўзингиз назорат қилган ҳолда фарзандингизга ўргатинг.

Қодиржон бошлангич синф ўқувчиларига дарс беради. Қўшни қишлоққа велосипедда қатнаб ишлайди. Иккала қишлоқ ораларида икки чақиримча тошлоқ дала йўл бор. Лекин велосипед

Қодиржон махлиё бўлиб қолганди. Раққосаларнинг айримларини ўзини ўқувчи қизларига ҳам ўхшати. Энди уларга ҳавас билан қарай бошлади. Бир фурсатдан сўнг ичкаридан боши кўзикаринга ўхшаган



билан бемалол бориб-келса бўлади. Бу сўқмоққа ўхшаган йўл қаровсиз қолган, ўйдим-чуқур. Қодиржон учун унинг ҳар қаричи таниш бўлиб кетган. Ҳар куни эрталабда эскироқ велосипедга миниб, мактабга йўл олади.

У тонг саҳар ишга отланганида, ҳаво айниб турган эди. Бортаваккал қилиб, жўнайверди. Қамишлар ўсиб ётган эски закан кўпригидан ўтиб бораётганда, шаррос ёмғир кўйиб юборди. Шу жойда хўжалиқнинг ташландиқ шийпони бор эди. У шийпон айвонига ўзини олди. Панада тураркан, жуда чакки бўлди-да, деган хаёлга борди. Чунки мактабга комиссия кутилаётганди. Саҳар бориб, синфлардаги озодагарчиликни назорат қилиб қўймоқчи эди.

Ўчақишгандай ёмғир кучайиб, селга айланди. Қодиржон айвонда тураркан, шийпоннинг ичи ёришиб кетгандай бўлди. Сўнг худди "тинг-тинг" деган чирманда овози эшитилгандай бўлди. У орқасига ўгирилиб, ичкарига бўйланди ва раққоса қизларнинг хонада айланиб ўйнаётганига кўзи тушди. Раққосалар жуда кўпчилик эди. Улар пушти кўйлак кийишиб, бошларига ҳам пушти рўмол ёпишиб олишганди. Айни пайтда ҳароба шийпоннинг ичкарисиси шунчалик ёруғ ва шинаман эканлигига ҳайрон қолди. Олдинига ҳаваскор қизлар машғул ўтказишадиганмикан, деган хаёлга борди. Бир фурсат ўтганда кейин, қизлар рақсга тушиб, ташқарига чиқиб кела бошлашди. Улар шийпоннинг бутун саҳнига ёйилиб кетишди. Энди ёруғ ҳам ташқарига кўчди. Раққоса қизлар шунақаям кўпчилик эдики, улар худди ўчиб юрган лайлак мисол қанот қоқиб айлана бошлашди. Аммо мусиқа овозини қаердан эшитилаётганини англай олмади.

одамлар қаторлашиб чиқиб келишди. Улар белигача ялангоч бўлишиб, ҳаммаёғини жун қоплаганди. Улар ҳам қизларга аралашиб рақсга туша бошлашди. Хуллас шийпон саҳни одамларга тўлиб кетди.

Қодиржон ўйинга берилиб, ўзининг қаердалигини ҳам унутиб қўйганди. Мусиқа овози шунақаям ёқимли ва сеҳрловчи эди-ки, бундай жарангдор нолани у ҳеч қачон эшитмаганди. Балким бошқа сайёрадан келишганмикан, деган хаёлга ҳам борди.

У ўзини қанчадан буён турганини ҳам билмасди. Бир маҳалда кимнидир овозидан хушёр тортиб, рўпарага қаради. Ундан беш қадамча нарида резина этик ва эски киргизча қалпоқ кийиб олган маҳалладоши Олимжон турарди. Олимжон томоқ қоқиб, унга синчиклаб боқди.

- Домла! Нима бўлди сизга?  
- Ҳеч нима! - жавоб қилди у хушига келиб-келмай. - Сен ҳам раққосаларнинг ичидамидинг?  
- Қанақа раққосалар? - таажжубда елка қисди у.

- Ўйинга тушишди-ку! Бошига кўзикарин кийиб олганлар қани?  
- Бу ерда ҳеч ким йўқ, домла. Биз балиқ овлагани чиққандик. Сизнинг велосипедингизни кўриб қолдик. Кўзингизга жинлар кўринибди шекилли.

Қодиржон батамом хушига келгандан сўнг ташландиқ шийпоннинг ичкарисига қаради. Хоналар ивирсиган, қоронги эди. Ҳозиргина қизлар ўйнаган шийпон саҳнида шўра-буталар ўсиб ётарди. Ёмғир эса умуман ёлмаганди.

- Жинлар мана шунақа вайронада бўлади, - аниқлик киритди Олимжон. - Демак улар сизни чақитиб, бу панага бошлаб келишибди.

Шу-шу Қодиржон шийпон олдидан ўтганда, бир сесканиб тушадиган бўлиб қолди.

Комилжон.

Менга бу воқеани Пахтаобод туманида яшайдиган Абдулҳафиз Исмоилов гапириб берди.

- Менинг Абдулҳақим исмли тоғам бор эди. Узок йиллар қурилишда иш юритувчи бўлиб ишлади. Бўш пайтларда ов қилишни жуда хуш кўрарди. Қорадарё бўйларида ўрдак, гуррак отиб юрарди. Кунларнинг бирида тоғамни кўргани борсам, эндигина овдан қайтиб турган экан. Милтигини айвондаги устунга илиб, мен билан салом-алик қилаётган пайтда, "қур-қур"-лашиб, осмонда турналар учиб ўтиб қолишди. Тоғам шошиб кўлига милтиқни олди-ю, ўйламай-нетмай, турналарга қарата ўқ узди. Учбурчак бўлиб учиб бораётган турналарнинг энг охиридагиси пастга шўнгиб, қабристоннинг четига кулаб тушди.

Учиб бораётган турналар "қур-қур"-лашиб орқага қайтишди. Улар қабристонга йиқилган турна ёнига кўнишиб, шунақаям юракни эзиб юборадиган даражада "қур-қур"-лашди-ки, уларнинг ноласига чидай олмай, кўзларимиздан ёш чиқиб кетди. Тоғам турнани отиб қўйганига минг пушаймон бўлди. Кечки пайт турналар қабристон атрофини айлана-айлана, сўнг учиб кетишди. Ана шу воқеадан кейин уч-тўрт ой вақт ўтмай тоғамнинг ўн тўрт ёшли ёлғиз ўғли шол бўлиб қолди. Доридармон унга қор қилмади.

Тоғамнинг хотини - Ойша момамнинг кўз ёшлари дарё бўлди. Момом жуда беозор, худжойй аёл эди. Ўғлининг дардига Тангридан шифо истаб, йилларни ўтказа бошлади. Ордан тўрт йил ўтиб, шол бўлиб қолган жияним ўн саккиз ёшга тўлди. У тўрт йилдан буён тўшақда ўтириб қолганди. Кунларнинг бирида момом ўчоқ бошида овқат қилаётган экан. Кеча

Ойша момамнинг кўз ёшлари дарё бўлди. Момом жуда беозор, худжойй аёл эди. Ўғлининг дардига Тангридан шифо истаб, йилларни ўтказа бошлади. Ордан тўрт йил ўтиб, шол бўлиб қолган жияним ўн саккиз ёшга тўлди. У тўрт йилдан буён тўшақда ўтириб қолганди. Кунларнинг бирида момом ўчоқ бошида овқат қилаётган экан. Кеча

ойдин бўлгани учун чироқни ҳам ўчириб қўйибди. Кўзларида ёш билан ўчоқ бошида тўлин ойга термулиб, ўтираверибди. Унинг эри билан ўғли ичкарида телевизор кўриб ўтиришган экан. Момом ўғлини энди қанақа қилиб уйлантираман, дея кўп кўз ёши тўкибди. Шу пайт бирдан ой кенгайиб кетгандай бўлибди. Унинг нури эса шиша қувурда тўлқинланиб, пастга оқиб кела бошлабди. Бир дақиқанинг ўзидаёқ нур дарвозадан уч-тўрт қадам

## ОЙДАН ТУШГАН МЎЪЖИЗА

бериорқа етиб келиб, ерга урилибди ва худди оппоқ булут каби эшилиб-буралиб, оппоқ рўмол ёпинган кампир пайдо бўлибди. Кампирнинг соч-киприклар, кўзлари ва уст-бошлари нурдан экан. Шунақаям тиниқ, шаффоф оқ нур экан-ки, момомнинг кўзи қамашиб, зўрга унга боқибди. Кампирнинг бир қўлида камон ва яна бир қўлида турнага ўхшаш жонзот бор экан. Кампир шундай дебди:

- Турналардан узр сўра, ялиниб узр сўра! Кейин ўлгинг оёққа туради. Мен кўзларингга бошқа нам бўлмасин, деб келдим.

Шундай дея, кампир ой нурига сингиб, юқорига кўтарилиб кетгандай бўлибди. Момом дарров тоғамни чақириб, воқеани айтиб берибди. Ана шу куннинг эртасига яна турналар галаси учиб ўтиб қолибди. Улар тўрт йилдан сўнг ҳам шерикларини йўқлаб, қабристоннинг устида "қур-қур"лашиб айланяшибди. Шунда эр ва хотин тиз чўкишиб, кўзларида ёш билан турналарга ёлборишиб, улардан узр сўрашибди.

Ҳозир ўша шол бўлиб ўтириб қолган жияним ўттиз бир ёшда. Уचा фарзанди бор. Ўзи сув хўжалигида ишлайди. Оёқлари ўша йилёик тузалиб кетган. Тоғам оламдан ўтдилар, момом эса ҳаётлар: Турналар ҳам табиатнинг ўзига хос сирли мўъжизаси эканлигига юрак-юракдан ишондилар.

К.НИШОНОВ

## ЁМОН НИЯТ ҚИЛМАНГ

Нафақат инсонларни ҳаттоки ҳайвонлар дилини огритса ҳам ёмон экан.

Биз илгари ҳовлида яшардик. Уй ҳайвонларимиз бор эди. Ховлимиз бузилиб домга кўчдик. Ҳайвонларни яхши кўрганим учун менга мушукча олиб келишди. Мушукчани еру-кўкка ишонмасдим. Биз доим бирга эдик. Бир куни қўшни аёл менга галати гапни айтди. Мушуклар: "Боланг ўлсин, мени тизангда олиб ўтир", - деб ёмон ният қилармиш. Мен бу ҳақда онамга айтдим. Онажоним бу гап нотўғрилигини, чунки адам ҳам, онам ҳам ёшлиқларида мушук боқишганли-

гини айтдилар. Худоба шукр, ҳаммамиз соғ-саломатмиз. Бир куни мушукчам касал бўлиб қолди. Йўлақда беҳол ётганида ўша қўшни аёлнинг қизи мушугимни кўриб: "Касали юқиб қолади", - деб ҳаммага эшиттириб ёнидан ирганиб ўтиб кетди. Шунда менинг дилим қаттиқ огриганди. Кунлар ўтди, йиллар ўтди. Мана ўша қўшни аёлнинг қизи келинлик либосини кийганига 13 йил бўлди, лекин фарзанди йўқ.

Ўғли 30 ёшида автохалокатга учраб вафот этди. Иккинчи ўғли баалоғат ёшида ақли заиф бўлиб қолди. Демак ҳеч қим ёмон ният қилмаслиги, бировни айбламаслиги, дилини огритмаслиги керак экан.

Лола ЛАТИПОВА,  
Тошкент шаҳри.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

**Силла ва жамият**

Фойдаланилмаган кўлэмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20  
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50  
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 134-25-46  
Бухгалтерия: 132-07-41

Манзилими: Тошкент - 700000  
Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма-хонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга толшириш вақти - 20.00. Босишга толширилди - 21.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.  
E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru

**ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси**

**БУНА ИНДЕКСИ** - 176  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.  
Буюртма Г - 237. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.  
Адади - 15900  
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ  
Расмом — Н. ХОЛМУРОДОВ  
Навбатчи — С. ФАХРИДИНОВА  
Мусоҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ

2 3 4 5 6